Миллатнинг улуғ мартабасини, саодатини сақламоқ, унинг дардларига дармон бўлмоқ — вазифангиздир. Адолат ва озодлик дастурингиз бўлсин!

Амир ТЕМУР.

Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжи ғурбат ҳавас айлама.

Алишер НАВОИЙ.

ВАТАН АҲЛЛАРИГА ДЕГАНЛАРИМ

Эй, муқаддас Туропимнинг хаёли кемайтур.
Ёнимда, кўзларимда, юрагимда, виждонимда қол, кетма.
Юртим, Туропим — сендан айрилмоқ менинг ўлимим.
Сенинг учун ўлмоқ — менинг тириклигимдир.

Абдурауф ФИТРАТ.

Бугун — ҳар бир инсон ўз виждони олдида ҳисоб берадиган давр. Мустақиллик карвони йўлга чиққан экан, уни ҳеч ким тўхтатишга қодир эмас. Биз албатта манзилга етиб борамиз.

Ислом КАРИМОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1996 йил 24 август, шанба № 109 —110 (22.031).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ҲАМКОРЛИГИМИЗ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Олмати. 23 август (ЎзА махсус мухбири Аҳмад ХЎЖА хабар қилади).

Бугун, Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Қозоғистон пойтахтига келди. Бу ерда Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари Давлатлараро Кенгашининг йиғилиши бўлди. Кенгаш қатнашчиси бўлган давлатлар бошлиқлари — И. Каримов, А. Акаев, Н. Назарбоев Марказий Осиё минтақасида интеграция жараёнларини янада чуқурлаштириш, мазкур мамлакатлар ўртасида барпо этилган ягона иқтисодий маконни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилдилар. Россия ва Тожикистонни Давлатлараро Кенгашга кузатувчи сифатида қабул қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли ҳужжатлар қабул қилинди.

Шу кунларда қозоқ халқи атоқли оқин Жамбул Жабаев таваллудининг 150 йиллигини кенг нишонламоқда. Олматидаги республика саройида ана шу санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Йиғилишда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Мамлакатимиз раҳбарига Олмати сафарида Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, матбуот котиби М. Муҳаммад Дўст ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Сафар ҳақидаги батафсил ахборот матбуотда эълон қилинади.

***

Шу куни Президент Ислом Каримов Тошкентга қайтиб келди. Давлатимиз раҳбарини республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир Ў. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

ВАТАН ЎҒЛОНЛАРИ ХИЗМАТДА

Тўрткўл тумани ҳокими ва тумандаги Адақаев номли деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасидаги Омоновлар хонадонига ҳарбий қисм командирларидан мактуб келди. Унда ёзилишича, аскар ўғлон Давлат Омонов намунали ҳулқи ва тиришқоқлиги билан ибрат кўрсатаётир. Бундай раҳматномалар тез-тез келиб туради. Яқинда Тўрткўл, Беруний ва Элликқалъа тумани раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари, ота-оналар ҳамда санъаткорлардан иборат гуруҳ Фарғона водийсида хизмат қилаётган фарзандлари ҳузурига ташриф буюрдилар. Ота-оналар ўғлонларнинг ҳаёти ва хизматидан мамнуният ҳосил қилдилар.


Шарофат ЙЎЛДОШЕВА.

• Қарор ва шарҳ

ПАХТАКОР МЕҲНАТИ ҚАДРЛАНАДИ

Мана, деҳқон тер тўкиб қилган меҳнати самарасини кўрадиган, бинобарин, пахта ҳосилини нест-нобуд қилмасдан йиғиштириб оладиган давр ҳам яқинлашиб қолди. Албатта, бу йилги йиғим-теримни тез ва соз ўтказиш мавсумга қай даражада пухта ҳозирлик кўришга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Шуни ҳисобга олиб, куни кеча республика Вазирлар Маҳкамаси «1996 йилда пахта йиғим-терими мавсумини ташкилий равишда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.

Қарорда айтилишича, пахта йиғим-терими мавсумига тайёргарлик кўришни ниҳоясига етказиш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалаларни тезкорлик билан ҳал этиш учун республика комиссияси тузилади. Ушбу комиссия йиғим-терим мавсумининг юқори ташкилий даражада ўтказилиши чора-тадбирларини кўради.



Наманган вилояти. Теримчи Жамила Ўринова ҳосил чўғидан мамнун.

Турғунбек МАҲКАМЗОДА олган сурат.

Маълумки, шу йилнинг 27 мартида Вазирлар Маҳкамаси «1996 йилги пахта толасига давлат буюртмаси ҳажмларини ўзгартириш тўғрисида» қарор қабул қилганди. Унда пахта тайёрлаш бўйича белгиланган топшириқни бажарган хўжаликлар ихтиёрида қолдириладиган пахта маҳсулоти улуши уни етиштириш ҳажмининг 60 фоизгача оширилганлиги, пахта толасига давлат буюртмаси эса 40 фоизгача пасайтирилганлиги таъкидлаб ўтилганди. Демак, самарали меҳнат қилиб, пахтадан мўл ҳосил етиштирган деҳқоннинг бу йилги даромади чакки бўлмаслиги аниқ. Бозор иқтисодиёти ҳар кимни ҳисобдон бўлишга ундамоқда. Жумладан, бободеҳқон ҳам ўзи етиштирган пахта хом ашёсининг харид нархлари қанча бўлишига аввал бошданоқ қизиқиш билан қараши табиий. Қарорда таъкидланишича, 1996 йил ҳосили 1 тонна пахта хом ашёсининг харид нархлари ўртача 12500 сўм (пахта толасига қайта ҳисоблаганда 1 тоннаси учун — 39060 сўм) ҳисобида белгиланди.

Албатта, манфаатдорлик бўлган жойда иш унуми ошиши аниқ. Шуни ҳисобга олиб, қарорда ҳосил йиғим-теримида моддий рағбатлантиришни кучайтириш учун хўжаликларга пахта теришда: икки қаторли пахта териш машинасида терилган кондицион оғирлиги 1 тонна бўлган пахта учун — камида 50 сўм, тўрт қаторли машинада терилганда — 30 сўм, қўлда терилган 1 килограмм пахта учун эса камида — 2 сўм миқдорда ҳақ тўлаш тавсия этилди. Пировард натижада ҳосилни тезроқ йиғиб-териб олишни кучайтириш мақсадида теримчи ва механизаторларга, пахта йиғим-терим мавсумида банд бўлган бошқа ишчиларга ҳар 5 ва 10 кунда ҳисобкитоб қилинади. Бунинг учун Марказий банк ва бошқа тегишли банклар хўжаликларни кўрсатиб ўтилган муддатгача нақд пул билан таъминлаш чораларини кўрадилар.

Сир эмаски, пахтани йиғиб-териб олишда терим техникасининг роли беқиёс. Шу боис ҳам, энг аввало пахта териш машиналарини пухта таъмирлаш, ташиш транспорт воситаларини тайёрлаш, териш — транспортда ташиш отрядларини механизаторлар ва тузатиш хизмат кўрсатиш ходимлари билан таъминлаш ишларини амалга ошириш вазифаси юклатилган.

Айни пайтда қишлоқ аҳолисига ва пахта терими билан банд бўлган меҳнаткашларга энг зарур озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш, пахтакорларга терим мавсуми давомида узлуксиз тиббий ҳамда маданий-маиший хизмат кўрсатиш зарурлиги ҳам қарорда алоҳида уқтириб ўтилган. Бу ишларга масъул бўлган вазирликлар, қўмиталар ва идораларга тегишли ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш вазифалари юклатилган.

Бинобарин, республика Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарори 1996 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишга ўз вақтида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, пахта хом ашёси маҳсулоти ҳажмларини кўпайтириш ҳамда сифатини яхшилашда мамлакатимиз деҳқонларининг моддий манфаатдорлигини оширишга қаратилган муҳим ҳужжат, алоҳида ғамхўрлик намунасидир. Мазкур қарор пахтачилик билан шуғулланаётган қишлоқ меҳнаткашларини янада яхши ишлашга, мустақил юртимиз иқтисодиётини юксалтириш учун муносиб ҳисса қўшишга ундайди.

Аслиддин БОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» шарҳловчиси.

ИСТИҚЛОЛ ҲАҚИДА СЎЗ

Фазогирларнинг айтишларича, Ер сайёрасининг иккита нуқтасидан тим қора муаллақ фазога нур шалоласи шуъла сочиб турармиш: бири — Қуддуси шариф шаҳридан, иккинчиси — Бухоройи Шариф ён-атрофларидан.

Тим қора муаллақ фазо. Чексиз-чегарасиз ҳайҳотдай бўшлиқ...

Ўзи қуёшдан нур сўраб, оқ-қорани ажратадиган заминда фазога ўрлаб ётган нур нуқталари...

Беихтиёр ҳовлиқасан киши, нафасинг томоғинга тиқила келади. Қуддуси шарифнинг муқаддас манзил эканлиги аён, пайғамбаримиз яратган Ҳақ дийдорига сазовор бўлган меърож тунида айнан шу ердан кўтарилганлар. Қуддус шарифнинг шарифлиги шундан, кўкка сочиб турганининг сабаби балки шундан...

***

Йўл бўйи шошилиб-чопиб келаётган, троллейбуснинг ҳаракати бирдан секинлашиб қолди-ю хаёлим бўлинди. Ҳамма ўнг томонга тикилади. Мен ҳам қарайман. Хиёбоннинг бир чеккасида Амир Темур ва темурийлар даври музейи бирданига пайдо бўлади, худди лоп этиб қўриниб мўъжизадай. Ё пирим, мўъжиза деса дегулик, ахир, бир йил муқаддам бу жойда ҳеч нарса йўқ эди, зобитлар дам олиш масканининг бир чеккасида, бетон-деворлар билан ўралган, юракни ҳадиксиратадиган мубҳам бир жой эди. Бугун эса, қарабсизки, маҳобатли бино манаман деб турибди. Қарайдида, ҳамма фахрланади, ҳайратга тушади.

Истиқлол меваси бу бино.
Мустақиллигимиз рамзи!

Истиқлол бизга мана шундай ғурурланиш, жаҳонга боқиш, жаҳонни ром қилиш имкониятини ато қилди!

***

Кейинги пайтларда ўзбек матбуотида Истиқлол самараси сифатида бўй тиклаётган қурилишлар ҳақида кўп ёзилди. Бундан ҳақли равишда фахрланамиз, ғурурланамиз. Бутун мамлакат айни шу кунларда янгидан чирой очмоқда,тозармоқда. Барчанинг кўзи олдида рўй бераётир бу мўъжиза! Ҳолбуки, бу қурилишлар — янгиланиш, тозаришнинг бир жиҳати, дебочаси, холос. Тошкентимизнинг кеча ўтган жойидан бугун ўтсангиз, танимай қоласиз. Бундай ўзгариш, янгиланишлар мамлакат бўйлаб давом этаётир.

Ҳали Ўзбекистон кучга киради,
Алпомиш сингари ростлайди қаддин.
Дунёга ўзлигин кўз-кўз қилади,
Англаб истиқлолнинг муборак қадрин!

Бугун мамлакатимиз шундай ишонч-эътиқод, келажакка умид руҳи билан яшамоқда. Бугун ким билан суҳбатлашманг, халқимизга ғурур-ифтихор, мадад бағишлаётган омиллардан гап очади. Қурилишлар, янгиланишлар ҳам одам кўнглига умид бераркан...

Қийинчиликларми? Бор. Бироқ, менинг назаримда, энг асосий қийинчилик — ўзимиз бозор шароитига, янгича яшаш ва тафаккур қилишга ўргана олмаётганимизда. Ҳукуматимиз халқ манфаати, равнақи йўлида қанчадан-қанча олийжаноб, инсонпарвар қонунлар чиқармоқда. Ўзбекистон жаҳонга тезроқ қўриниши, танилиши учун, жаҳон Ўзбекистон билан юзма-юз мулоқот қилиши учун ҳаракат қилаётир. Ҳамма гап — ўша қонунларга бўйсиниб, шулар асосида яшашда, меҳнат қилишда. Ахир Истиқлол биз учун янгича яшаш, янгича ишлаш имкониятини ато қилди!

Шу ўринда муҳтарам юртбошимизнинг бир сўзларини келтириб ўтишим жоиз: «Бизда ҳеч ким ёлғиз эмас. Унинг меҳрибон ғамхўри, салоҳиятли суянчиғи бор. Буюк халқи ва мустақил Ватани бор. Фақат у мард, ҳалол, фидойи ва чин инсон бўлса бас». Бу сўзларнинг мағзини чақиш керак. Бирликка, ҳамкорликка, ҳамжиҳатликка даъват қилади бу сўзлар. Ватаннинг чин ғамхўри, келажакнинг чин яратувчиси бўлишга даъват этади, чорлайди, илҳомлантиради. Истиқлол бизга шундай фаол, ишчан, тадбиркор, бой ва саховаткор инсон бўлиш имкониятини ато қилди!

Яқин-яқинларда, гердайиб, гоз юриш нари турсин, ўзимиз тенги ўзга бир халққа энг аввал туриб таъзим қилардик, унинг чизиғидан чиқмасдик, атрофида парвона бўлардик. Истиқлол бизга ўзлигимизни англаш, қадимизни, қадримизни тиклаш имкониятини ато қилди. Мустақиллик байрами бизлар учун шу жиҳатлари билан азиз ва мукаррамдир.

***

Айни шу кунларда ён-атрофимизда кўп мамлакатлар, МДҲ республикалари ўз мустақилликларининг беш йиллигини нишонлаш учун қизғин тадорик кўрмоқдалар. Шу жумладан, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон ҳам. Уларнинг байрамлари — бизнинг ҳам байрамимиз. Айтмоқчи бўлаётганим, бизнинг байрамимиз — уларнинг ҳам байрами. Негаки, тарихимиздаги сўнгги 150 йиллик мустамлака давримизда мана шу мамлакатлар халқлари бир хил истибдод остида эдилар. Истилочилар зулми ҳаммамизни ўтмишни унутишга, ота-боболаримиз урф-одатларини унутишга, манқуртларга айланишга мажбур қилган эди. Истиқлолимиз бизга тарихий эркимизни, қадимий бирлик-тотувлигимизни, илдизлари ягона ва бой халқлар эканимизни англаш имконини берди. Бугун Яссавий ва Нақшбанд, Навоий ва Махтумқули, Абай ва Тўқтағул, Бердақ ва Жамбул урпоқлари бир дастурхон атрофида Истиқлолни шарафлаб алёр айтишга, бири-бирини қутлашга ҳақли, истиқлол бизга Туркистон — умумий уйимиз эканлигини англаш, ҳис қилиш имкониятини ато қилди!

Дўстлар, қон-қариндошлар жамулжам бўлган давра,
Туркистонни тўлдириб қурса улуғ доира,
Кўкка шуъла оттудай нурли дийдор, эҳтиром,
Бу янглиғ анжуманда нуқсон бўлурми сира?

***

Сўзимни сайёрамизда иккита нурли нуқта борлигидан бошлаган эдим. Ўзбекистонимизнинг кўкка нур отиб туриши бор гап, фазогирлар тан олган, кўрган. Иншооллоҳ, бу нур энди тошавергай, ҳеч қачон сўнмагай! Мустақиллик шарофати, истиқлол авжи мунаввар диёримизни мангулик нурга — бахт-саодат, оғзибирлик, эзгулик нурларига кўмгай!

Музаффар АҲМАД.

ЯКУНЛОВЧИ БОСҚИЧ ЯҚИН

Шу йилнинг 24—26 август кунлари пойтахтимизнинг «Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — Ватаним маним» республика қўшиқлар кўрик-танловининг якунловчи босқичи бўлиб ўтади.

Шу муносабат билан 22 август куни Тошкентда кўрик-танловни ўтказиш ташкилий қўмитаси ва ҳайъати аъзолари республика оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот конференция ўтказишди. Матбуот конференциясида республика маданият ишлари вазири ўринбосари М. Абдуқундузов, «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси бош директори А.Назаров ва республика бастакорлар уюшмаси раиси Р. Абдуллаев иштирок этиб, журналистларга кўрик-танлов эълон қилинганидан то шу бугунгача амалга оширилган ишлар хусусида сўзлаб беришди.

Учрашувда таъкидланганидек, «Ўзбекистон — Ватаним маним» республика қўшиқлар кўрик-танловининг якунловчи босқичи «Туркистон» саройида уч кун мобайнида ўтказилади. Ушбу катта байрамда Ватан ҳақидаги 65 та қўшиқ таниқли ва ҳаваскор санъаткорлар томонидан ижро этилади. Танловнинг учинчи куни ғолиб ижрочилар аниқланади. 28 август куни эса муҳташам Халқлар дўстлиги саройида республика қўшиқлар кўрик-танлови ғолиб ижрочиларининг катта концерти ўтказилади.

СУРАТЛАРДА: кўрик-танлов якунловчи босқичи олдидан.

Муҳаммад АМИН олган суратлар.



ИШЛАРИМИЗ ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИДА БЎЛСИН!

Ўзбекистон ХДП маҳаллий кенгашлари биринчи котибларининг минтақавий семинар-кенгашлари якунланди

Давр — учқур от. Истиқлол шарофати ила Ўзбекистонимизда юз бераётган туб ўзгаришлар, ислоҳотларнинг тобора чуқурлашаётгани мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий кучлар фаолиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатаётир. Шу куннинг юксак талаблари даражасида бўлиш, давр билан ҳамнафас, ҳаттоки, ундан илдамроқ қадам ташлаш — Ўзбекистон ХДП ташкилотлари учун ҳам фарз, ҳам қарз. Шу мақсадда, маҳаллий партия кенгашларида рўй бераётган, янгиликларни эринмай йиғиш, синчиклаб ўрганиш ва умумлаштириш, олдимизда кўндаланг бўлаётган муаммоларни ҳал этиш йўлларини биргаликда излаш, яқин истиқбол вазифаларини белгилаб олиш муҳимдир. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти қарорига биноан, партия барча даражадаги кенгашлари биринчи котибларининг Термиз, Фарғона, Гулистон ва Урганч шаҳарларида ўтказилган навбатдаги анъанавий минтақавий семинар-кенгашларида шу ҳақда сўз юритилди.

Тадбирларнинг қатнашчилари «Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичи ва Ўзбекистон ХДП ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришнинг навбатдаги вазифалари тўғрисида»ги масалани муҳокама қилдилар. Унинг юзасидан бўлган мунозараларда Қорақалпоғистон республика, барча вилоятлар, Тошкент шаҳар партия кенгашларининг, асосан, биринчи котиблари, йиғимга яқин туман ва шаҳар партия ташкилотларининг етакчилари ўз қарашларини баён қилдилар, улар қилинаётган ишлар ва тажрибаларини ўзаро ўртоқлашиб, мавжуд камчилик ва нуқсонларнинг сабабларини очишга интилдилар, ХДП матбуот нашрлари чиқишларининг таъсирчанлигини оширишга оид фикрларни ўртага ташладилар, умумий ишни яхшилашга оид қимматли таклиф ва истакларини билдирдилар.

1994 йил 25 декабрда ўтказилган сайловлардан кейин, деб таъкидланди семинарларда, партия ҳаётида, парламентчилик фаолияти устувор бўлиб қолган, янги босқич бошланди. Мустақил Ўзбекистон олдидаги муаммоларни ечиш юзасидан партия қарашлари, нуқтаи назарини, Олий Мажлис ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларидаги депутатлар иштирокида, ишлаб чиқиш, ҳимоя қилиш ва рўёбга чиқариш унинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади. МК XVI пленуми шундан келиб чиқиб, мамлакат парламентидаги ХДП фракцияси фаолиятини ташкил этиш, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларида партия депутатлар гуруҳларини тузиб, уларнинг ишини йўлга қўйиш билан бевосита боғлиқ масалага — ХДПнинг минтақавий ва муниципиал даражалардаги парламентчилик фаолияти муаммоларига алоҳида эътибор берди. Афсуски, дейилди семинарларда, Ўзбекистон ХДПнинг баъзи бир кенгашлари ушбу масалани диққат-марказларидан четда қолдириб, уларга ўз вақтида аниқлик бахш этмадилар. 13 та муниципиал Кенгашдан 9 тасида, қарийб 200 та туман ва шаҳар Кенгашидан 110 тасида ХДП депутатлар гуруҳлари ташкил этилмаганлиги кескин танқид қилинди. Бу ҳол давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларидаги депутатлар партия гуруҳларининг ўрни ва аҳамиятини тушуниб етмасликдан ташқари, ХДП Низомининг тегишли қоидалари ҳамда МКнинг шу ҳақдаги қарор ва кўрсатмаларини бажармаслик, деб баҳоланди.

ХДПдан сайланган депутатларнинг ўз сайлов округларидаги ишини ташкил этиш партия фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири. Бу соҳада муайян тажрибалар пайдо бўлди. Семинарларда, ижобий мисол тариқасида, Сирдарё вилояти Гулистон, Фарғона вилояти Данғара туман кенгашлари ва қатор партия ташкилотларининг иши тилга олиб ўтилди.

Маълумки, депутатлар орасида, партия ташкилотларининг ўзида ақл-зиё кучлари анчагина. ХДП аъзоларининг 40 фоизини олий маълумотли кишилар ташкил этади. Семинарларда депутатлар партия гуруҳлари, ХДП маҳаллий кенгашлари, уларнинг иштирокида, тегишли минтақавий дастурларни ишлаб чиқиб, қабул қилиниши бўйича ташаббус билан чиқишга даъват этилди.

Партия кенгашларининг етакчилари ўз сўзларида ислоҳотлар иккинчи босқичи чуқурлашиб борган сари, ҳар қандай бунёдкорлик ишида бўлганидек, муаммолар кўпайиб, вазифалар жиддийлашаётганига эътиборни қаратдилар. Албатта, бунинг ўзига яраша сабаблари бор. Аммо, ислоҳотларни рўёбга чиқарувчи мингларча, миллионларча кишилар руҳиятининг туб ўзгаришлар боришидан муайян даражада орқада қолаётганини асло унутмаслик керак. Демак, одамлар онгига таъсир ўтказиш, уларда ислоҳотларга бевосита дахлдорлик ҳиссиётуйғусини, ҳар бир фуқаро, ҳар бир оиланинг эртанги куни бугунги ўзгаришлар тақдирига боғлиқ эканлигини чуқур англашни шакллантириш — партия мафкуравий ишининг асосий юмушидир. Семинарларда бу жабҳага оид навбатдаги аниқ-равшан вазифалар ҳақида батафсил сўз юритилди. ХДПнинг мафкуравий фаолияти талаблар даражасида бўлсин десак, уқтирилди анжуманларда, ҳамиша изланишда бўлишимиз, ҳаётдан ортда қолмаслигимиз, партиянинг ҳақ сўзини фуқароларга етказишимиз, республикамиз раҳбариятининг ички ва ташқи сиёсатининг халқчил моҳиятини катта-ю кичикка тушунтириш учун ҳормай-толмай меҳнат қилмоқ зарур.

Албатта, олдимизда турган вазифаларни ҳал этишда партия барча бўғинларининг ташкилий-сиёсий ишлари муҳимдир. Шу боис, ташкилотлар тузилмасини, улар фаолиятининг шакл ва усулларини кун талабларига мос ҳолга келтириш мақсадга мувофиқдир. Мазкур ўзанда ҳудудий партия ташкилотлари билан иш олиб боришда муайян тажриба тўпланди. Семинарларда Чуст шаҳар, Собир Раҳимов туман ХДП кенгашларининг бу йўналишдаги изланишлари маъқулланди. Партия кенгашлари, дейилди уларда, ишни шундай йўлга қўйишлари керакки, натижада, шу йилнинг охирларига бориб, ҳудудий партия тузилмалари, кам деганда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгашларига сайловлар бўйича ҳар бир сайлов округида ташкил этилишига эришилсин.

Табиийки, семинар-кенгашлар диққат-марказида ёшлар билан ишлаш, давлат ҳокимияти ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик, партия кадрларини танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш, ХДПнинг молиявий-иқтисодий, хўжалик-ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ масалалар ҳам турди. Улар юзасидан тавсиялар берилди.

ХДП маҳаллий кенгашларининг сардорлари, семинар-кенгашлар дастурига кўра, меҳнат жамоалари, жумладан хорижий сармоядорлар билан биргаликда бунёд этилган қўшма корхоналар, аҳоли истиқомат жойлари, ўқув юртларида бўлиб, ислоҳотларнинг бориши, улардаги партия бошланғич, ҳудудий ташкилотларининг иши билан яқиндан танишдилар. Булар, шубҳасиз, семинар-кенгаш иштирокчиларининг, айниқса, шаҳар ва туман партия кенгашлари биринчи котиблигига янги сайланганларнинг дунёқарашини бойитишда, уларни ҳам назарий, ҳам амалий билимлар билан қуроллантиришда, аҳоли ўртасида сиёсий иш олиб боришнинг замонавий йўл ва воситалари билан таништиришда ўзига хос мактаб, партия кадрларини ўқитишда муҳим босқич бўлди, дейиш мумкин.

Семинар-кенгашларни ташкил этиш ва уларни ўтказишда вилоятлар ҳокимликларининг масъул ходимлари, хусусан, ҳокимлар муовинларининг фаол иштирок этганликлари, бу — давлат ҳокимияти, бошқарув идоралари билан ХДП маҳаллий кенгашлари ўртасидаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб, ўзига хос янги қирралар касб этаётганлигидан далолат беради.

Тадбир иштирокчилари минтақавий семинар-кенгашлар, айрим жузъий камчиликлардан қатъи назар, яхши ташкил этилганлигини қайд этиб, уларни келажакда ҳам давом эттириш зарурлигини таъкидладилар.

Партия кадрларини ўқитишнинг ушбу, синовлардан ўтган, шаклидан баракали фойдаланиш, Марказий Кенгаш ходимлари, маҳаллий партия кенгашлари ва бошланғич ташкилотлари зиммасига уларга пухта ҳозирлик кўриш масъулиятини юклаши билан бирга, семинар иштирокчиларидан кўрган ва эшитган янгиликларини ўз фаолиятларида унумли ҳисобга олишлари лозимлигини талаб этади.

Ана шундагина семинарлар партия барча даражадаги ташкилотлари фаолиятининг шакл ҳамда усулларини мунтазам такомиллаштиришга, унинг самарадорлигини оширишга кўмаклашиши мумкин.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази.

ХУШХАБАРЛАР

АЙЁМНИ ҚАРШИЛАБ

ФАРҒОНА. Истиқлолнинг беш йиллиги, соҳибқирон таваллудининг 660 йиллиги олдидан Шаҳар куни ўтказилди. Фарғона байрам либосига бурканди. Театрлаштирилган томошалар, спорт мусобақалари, сайиллар уюштирилди. Маҳалла ҳунармандлари яратган буюмлардан иборат кўргазмалар ташкил этилди. Қутлуғ байрам арафасида ўтказилган бу тадбир одамлар кайфиятини кўтаришга хизмат қилди.

Алишер ИБОДИНОВ.

БАЙРАМОЛДИ КЎРСАТУВЛАРИ

ҚАРШИ. Шаҳар телевидениеси ижодий ҳодимлари байрамга жиддий ҳозирлик кўришмоқда. Байрамолди кўрсатувлари ҳам шундан нишона. «Мустақиллик айёмига бағишланган туркум кўрсатувлар тайёрлаяпмиз, — дейди телевидение директори Асал Халилов.

— «Маҳалла ватан ичра ватандир» кўрсатувида «Чармгар», «Кулол» ва «Самарқанд» каби 20 га яқин маҳалла ҳаёти ва турмуши ҳақида ҳикоя қилинди. Санобар Боймуродова, Муҳаббат Эрбоева, Шуҳрат Хуррамов ва Учқун Йўлдошев каби ижодкорларнинг меҳнатлари таҳсинга лойиқдир. «Истиқлол ва истиқбол». «Иқтисодий ислоҳот қирралари» ва «Имконият чўққилари» каби кўрсатувлар устида изланишлар олиб борилмоқда.

Илҳом КАРОМОВ.

Спорт

ОЛИМПИАДА ОРЗУСИ

Атланта олимпиадаси нафаси кезиб юрган айни кунларда спортчилар навбатдаги Сидней олимпиадасини орзу қилишмоқда. Хусусан, Москвада эркин кураш бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган жаҳон биринчилигида ғалаба қозонган тошкентлик Маис Ибодовнинг нияти шундай. 54 килограмм вазнли, қобилиятли бу полвон грузиялик О. Тутишвили, кейин АҚШ спортчиси А. Стивинцни мағлубиятга учратиб, финалга чиқди. Ҳал қилувчи беллашувда эронлик Апчал Беҳтаринни доғда қолдирди. Спортчимиз ёш бўлишига қарамай, бугунгача турли мусобақаларда 7 та олтин, 3 та кумуш, 2 та бронза медалини қўлга киритган.

МАШИНА ЮТГАН ПОЛВОН

Андижонда мустақилликнинг беш йиллиги ва Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро мусобақа ўтказилди. Фарғонача беллашув бўйича баҳсга Жанубий Корея, Қирғизистон, Тожикистон полвонлари ҳам келишди. 150 дан кўпроқ курашчи бош соврин учун беллашди. Курашчилар ёшларига кўра уч гуруҳга бўлинди. Хусусан, 15-35 ёшлилар орасида андижонлик Д. Исмоилов, Р. Исоқов, Тошкент вилоятидан О. Файзуллаев, фарғоналик А. Турақулов, 45 ёшгача бўлганлар сафида қирғизистонлик И. Исоқов, андижонлик Ҳ. Жалоловлар ғолиблик супасига кўтарилишди. Мутлақ ғолиблик учун курашда эса 27 нафар полвон майдонга тушди. Омад андижонлик Эгамберди Чанаевга кулиб боқди. У Олимбек Файзуллаевни доғда қолдириб, бош совринни қўлга киритди. Андижонлик Равшан Исоқов учинчи бўлди. Президент совғаси — «Нексия» енгил автомашинаси калитини ғолибга Андижон вилоят ҳокими Қ. Обидов тантанали суратда топширди.

Қутлуғ байрам шарафига

ИСТИҚЛОЛ ВА ИЖТИМОИЙ ФАНЛАР

Ўтаётган ҳар бир кунимиз айни паллада тарих саҳифаларига айланаётгани бежиз эмас. Боиси истиқлол туфайли ҳаётимизнинг ҳар жабҳаси — сиёсат, маънавият, иқтисодиёт, шунингдек, фан-техника соҳасида катта ўзгаришлар қилиняпти. Буларнинг бари халқимизнинг эртанги куни янада фаровон, нурафшон бўлиши учун. «Шу нарса аниқки, мамлакатимизнинг ҳар бир йўналишдаги ривожини фантехника тараққиётисиз тасаввур этиш қийин, — деди Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллигига бағишланган илмий сессиясини очаркан, академик Тўхтамурод Жўраев. — Ўтган қисқа давр мобайнида Ўзбекистон фани оламида қатор ўзгаришлар бўлди. Муҳими, илмий ташкилотлардаги ходимларнинг онги ўзгарди. Эндиликда, улар тадқиқотларга янгича ёндашиб, янгича фикрлаб иш олиб боряптилар. Улар бир нарсани яхши англаб етдиларки, қилинадиган ҳар қандай янгилик, кашфиёт бундан буён ўз юртимиз, элимиз корига ярайди. Бу йўлда ҳар қанча меҳнат қилса арзийди».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, юридик фанлари доктори, профессор Алишер Азизхўжаевнинг мустақиллик ва ижтимоий-гуманитар фанлар олдида турган долзарб масалалар хусусида қилган маърузаси йиғилганларда, айниқса, катта қизиқиш уйғотди. Боиси, олим Ўзбекистоннинг миллий философияси, Ўзбекистон ҳуқуқшунослигини яратиш, Шарқ фалсафасини янада теран, кенг қамрови билан ўрганиш, шунингдек, мустақиллик, умумхалқ мафкурасини бунёд этиш учун нафақат шу соҳа кишиларини, бутун жамоатчилик эътиборини бунга жалб этиш лозимлигини уқтирди.

Бугунги кунда, жумладан, мустақилликнинг беш йиллик тарихини кўрсатиш, Ўзбекистон тарихини даврлаштириш долзарб муаммолардандир. Муҳими, фан жамият тараққиётидан орқада қолиши эмас, балки, порлоқ юлдуздек олдинда йўл ёритувчи бўлиши керак, — деди у.

Ўзбекистон Фанлар академиясида бўлиб ўтган мазкур тадбирда қатнашган Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи муовини, юридик фанлари номзоди Владимир Норов мамлакатимизнинг ташқи сиёсатининг устуворликлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқот институтининг директори, юридик фанлари доктори Миракбар Раҳмонқуловлар республикамизда бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш муаммолари, ўлкамиздаги макроиқтисодий барқарорлик хусусида эса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси умумиқтисодиёт бўлими мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор Раҳмонқул Каримовлар маърузалари тингланди.

***

Ватанимиз мустақиллигининг беш йиллигига бағишлаб Ўзбекистон тарихи давлат музейида ўтказилган «Ўзбекистон мустақиллиги ва ижтимоий-гуманитар фанлар истиқболи» мавзуидаги илмий сессия Фанлар академиясида бўлиб ўтган катта йиғиннинг узвий давоми бўлди. Тадбирда иштирок этган ЎзФА мухбир аъзоси Омон Ҳикматов, ЎзФА академиги Аҳмадали Асқаров, фалсафа фанлари доктори Абдулҳафиз Жалолов ва бошқалар ўз маърузаларида юртбошимизнинг «Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий давлатчиликни шакллантириш, ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролар жамиятини қарор топтиришдек улуғ орзу-умидлар билан яшаш эканмиз, ижтимоий фанлар соҳасидаги илмий изланишлар ва уларнинг натижаларига алоҳида эътибор бермаслик мумкин эмас», деган кўрсатмаси тубида ётган илмий мазмунни очиб беришга ҳаракат қилдилар.

Фан йўналишлари шўъбалари бўйича илмий сессия Ўзбекистон Фанлар академиясининг бўлимлари ва илмий-тадқиқот институтларида давом этди.

Умида ФАЙЗИЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Қишлоқ меҳнаткашлари эзгу анъаналарга кўра ўз маҳсулотларини пойхатимиз бозорларида арзон баҳода сотмоқдалар. Бу борада Наманган вилояти деҳқонлари кўпчиликка ўрнак бўлишаётир. Айниқса Янгиқўрғон тумани деҳқонлари ўзлари етиштирган ноз-неъматларни Сирғали тумани меҳнаткашларига тортиқ этиб, кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлишаётир. Маҳсулот нархи эса бозордагидан анча арзон. Бундан шаҳарликлар миннатдор бўлишаётир.

СУРАТЛАРДА: савдо-сотиқ пайти.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.



UZBEKISTON OVOZI
TIMES

№ 11 ● August 24 - 30, 1996 ● Saturday

PRESIDENT VISITS MAJOR CONSTRUCTION SITES

President Islam Karimov visited major construction and reconstruction sites in Tashkent August 16. One of them was the "Pakhtakor" stadium. The president said that after reconstruction, it should be the only stadium in Central Asia able to hold competitions in any weather. Another site visited was the Museum of Olympic Glory to be opened on Independence Day.

OLYMPIC BALL IN TASHKENT

A celebration in honor of the Olympic athletes of Uzbekistan was held August 16 at the "Navruz" restaurant. It was opened by the president's State Advisor A.Azizkhodjaev.

POST STAMPS CELEBRATE AMIR TEMUR

30,000 sets of new postage stamps have been printed and put into circulation by the Publishing Center "Uzbekiston Markasi" and the Ministry of Communications. The new stamps celebrate the 660 anniversary of Amir Temur.

DECREE OF CABINET OF MINISTERS

The Cabinet of Ministers has issued a decree "On Measures for Exporting Fruits and Vegetables Grown in 1996." To avoid harvest losses, a National Commission for the Consideration of Organizational, Legal and Efficient Matters for Exporting Fruits and Vegetables will be formed. The decree allows enterprises involved in this activity to sell part of their hard currency income from such activities to the Central Bank no later than December 31, 1996. The National Railway company will reduce freight tariffs two-fold for fruits, vegetables and canned products being exported to Kazakhstan (until December 31, 1996) and to Russia (until November 1, 1996) as well as within Uzbekistan.



SAMPLES OF UZBEK NATIONAL CARPETS.
Photos by Turgunbek MAHKAMZODA.

UZBEKISTAN AIR FLEET DAY

August 18 was Uzbekistan Air Fleet Day. Uzbekistan Airways operates flights to twenty-three countries, twenty-five C.I.S. cities and has offices in nineteen states. The company also repairs Soviet-made airraft for some countries and trains their pilots. Soon the airways company is going to lease two passenger Boeing-767s jets, one Boeingsalon-757 to serve official delegations and British-French Rj-70s to replace local Yak-40s and An-24s. At the same time Pakistan is leasing to the company`s seven jets and two helicopters.

ATHLETES AND COACHES AWARDED

President Karimov signed a decree "On Presenting Awards to a Group of Athletes and Coaches", in compliance with which several Olympic athletes and coaches were given government orders, medals and certificates for their achievements at the XXVIth Olympic Games in Atlanta and for their contributions to the development of sports in Uzbekistan.

THE CHALLENGE HEADS TO SAMARKAND

An international tennis tournament, "The Challenge," will begin in Samarkand August 24. Athletes from twenty countries will take part in the tournament. Each country will be represented by one athlete except for Uzbekistan and Spain, which will have two players each.

DIRECTORS RACE

A car race, "The Directors," was recently held in Tashkent province. This rally was only for heads and directors of enterprises and organizations and editors-in-chief of newspapers. A director of a sporting car club won the race in his Mercedes-190 leaving behind the director of a taxi depot, who drove an Uzbek-made "Nexia."

GOLD STAR FOR SOVPLASTITAL

The Uzbek-Italian joint venture "Sovplastital" has been awarded an International Gold Star and a "European Convention 1995" certificate for high quality products. Sovplastital produces twenty-five hundred types of consumer goods.

CRIMINAL GANG SENTENCED

A criminal group of thirty people, guilty of the brutal murder of twenty-five people, has been tried and sentenced. Two members and the leader of the group have received the death penalty and others have been condemned to long prison terms.

DECREES OF CABINET OF MINISTERS

The Cabinet of Ministers has issued two decrees "On Measures for Deepening the Privatization Process of and Government Support for Enterprises of the "Uzmyasomolprom" (Uzbek Meat and Milk Industry) Association and "On Measures for Fundamental Improvement of Public Transportation Servicing.

PRESIDENTIAL DECREE

President Karimov signed a decree "On Military Promotions and Spesial Ranks," in the process promoting a very small group of members of the Ministry of Defense, Interior Ministry and the National Security Service.

U. S. AMBASSADOR HOLDS PRESS CONFERENCE

The Ambassador of the United States to Uzbekistan Stanley T. Escudero held a press conference August 20 in his office. He congratulated the people of Uzbekistan on upcoming September 1 Independence Day.

On behalf of the Government and people of the United States, it gives me great pleasure to extend warmest congratulations on this fifth anniversary of the independence of the Republic of Uzbekistan.

In recognition of the growing importance of Uzbekistan in Central Asia and of the wisdom of President Islam Karimov's policies of step-by-step reform and development, relations between the United States and the Republic of Uzbekistan have enjoyed rapid and substantial progress during the past year. This remarkable improvement in our relations was crowned by the June 1996 visit to the United States of President Karimov and his meeting with President Bill Clinton. Thanks to this visit, the way is now open for even closer cooperation between my country and yours as our two nations work together, as equal partners, in assisting the Republic of Uzbekistan into a democratic and prosperous future.

The people of Uzbekistan have achieved much in five short years and have a great deal to be proud of. You have overcome the trauma of the collapse of the Soviet Union and seized upon the opportunities of independence to begin the revival of Uzbek greatness. You have maintained stability, initiated critical democratic and economic reforms, initiated the revival of the glories of Uzbek culture and refocussed international attention on the contributions of Uzbekistan's great Islamic philosphers and scientists.

These extraordinary accomplishments lead me to be even more optimistic about the future and give me confidence that your strong spirit of achievement will give substance to my wishes for health, happiness, progress and prosperity for all in this great country.

The Ambassador then answered questions from journalists representing TV, radio and a lot of local and Russian newspapers on various issues.

UZBEKISTAN INVITES FOR COOPERATION

According to the agreement, signed by the leaders of Uzbekistan and Moldova, the exhibition "Moldova invites for cooperation" was held last year. The organizers of that exhibition were the Republican trade expotional centre "Uzexpocentre" and "Moldexpo." On 21 st of August was open the exhibition called "Uzbekistan invites for cooperation" in the capital of Moldova. At the entrance of this exhibition one can see the national banner, emblem and get some informations about Uzbekistan`s territory, population and the policy. The films, photos, texts tell us about our Republic`s deligent, capable, creative and hospitable people, who are fulfilling the economic reforms.


The heavy industry plays a big role in the developement of the national economy.

The section "Uzbekistan is the land of big possibilities" tells the guests about the richness of Uzbekistan for deposits, that there are 370 mines, where, 200 mln tonns of raw materials are mined, 2 mlrd tonns of rich reserves of coal,350 mln tonns of oil and 2 trillion cubic meter natural gas are mined in our coutry. Different fruits and vegetables, canned, drinks, dried fruits of the Academy of Agricultural Sciences, of concern "Uzmevasabzavotuzumsanoat" and the Uzbek Scientific Productional Union of horticulture, viticulture and wine making will attrack the visitors attention.

Metall chasing, wood carving, ceramic, embroidery items are displayed in the section of applied art of Uzbekistan. These were manufactured by the masters of "Usto" union and the concern of peoples artistic handicrafts. Favorable climatic condition, preserving of stability, the high level of labour resourses attrack many entrepreneurs to Uzbekistan and work together. The openning of joint ventures as: "UzDAEWOOauto", "Mersedes Benz", "Zerafshan Newmont" will make a big contribution in the economy of our country.

The next section is devoted to the transport. Here one can see the connection of Uzbekistan with the countries of Europe, Asia and America by the National air company "Uzbekistan khavo yullari." The length of Uzbekistan railway is 3655 km. The putting into operation "Transasia" railway will connect our counry with Persian gulf.

Makhmuda ISMAILOVA,
Chief of information department of RTEC "Uzexpocentre"



THE CAPITAL IS PREPARING TO MEET INDEPENDENCE DAY.

Photo by Muhammad AMIN.

"ТОШКЕНТСУТ"

АКЦИЯДОРЛАР ЖАМИЯТИ



Шуни маълум қиладики, 15 августдан бошлаб жамият вакиллари қишлоқ аҳолисидан, қишлоқ кенгашлари орқали келишилган нархларда шартнома асосида чекланмаган миқдорда сут қабул қилишни бошлайди.

Сутни Тошкент вилояти туманларида жойлашган "Тошкентсут"га қарашли қабул пунктларига топширишингиз мумкин. Топширилган сутнинг ҳисоб-китоб ишлари ҳар куни қишлоқ кенгашлари орқали олиб борилади.

"Тошкентсут" акциядорлар жамияти қишлоқ кенгашларини керак бўлган анжомлар фляга, бидон, лаборатория асбоб-ускуналари, ўлчов тарозилари билан тўла-тўкис таъминлайди.

Қишлоқ меҳнаткашлари! Бизнинг вакилларимиз Сизларни қуйидаги манзилгоҳларда кутадилар:

— Тошкент тумани — "Тошкент" сут қабул қилиш пункти;

— Зангиота тумани — "Зангиота" сут қабул қилиш пункти;

— Оққўрғон тумани — "Оққўрғон" сут қабул қилиш пункти;

— Чиноз тумани — "Эрназар" ва "Олмазор" сут қабул қилиш пунктлари;

— Қуйи Чирчиқ тумани — "Ўзбекистон" ва "Ҳамкорлик" сут қабул қилиш пунктлари.

Маълумот учун телефон: 72-05-80.

CNN KEVORKIAN TAKES SECOND BODY TO HOSPITAL IN ONE DAY

Refusing to let controversy over the death of a Massachusetts woman slow his cause, Dr. Jask Kevorkian was at the side of a Missouri woman who ended her life Thursday, then brought in the body of a man to the same hospital about eight hours later.

NASA TO HELP PROBE CRASH MYSTERY

NASA experts who probed the Shuttle Challenger explosion 10 years ago will examine fuel pumps and fuel tank pieces from TWA Flight 800 in an effort to glean clues to the possible cause of the July 17 crash.

KINDERCARE AGREES TO ACCEPT DIABETIC CHILDREN

KinderCare Inc., the nation's largest day–care provider,has agreed to accept children with diabetes and perform a blood test required to monitor their blood sugar level, the Justice Department announced Thursday.

SIX WILDFIRES CONTAINED AS ANOTHER IGNITES

Weary crews contained six major wildfires across the Western United States, but a new blaze was reported in Wyoming and fires still burned in seven states, authorities said Thursday.

SECOND MILITARY JET CRASHES ON EAST COAST

A pilot was hospitalized Thursday after the Air National Guard jet he was flying crashed in a marshy area on the Maryland coast, Air Force spokesmen said. His condition wasn`t immediately known.

World ❑ Latest ❑ News

INVECTING IN MEXICAN PROJECTS FOCUS OF KANSAS CITY CONFERENCE

WASHINGTON - Industrial projects in Mexico that hold the most promising investment potential for U.S. firms will be the focus of a conference scheduled Sept. 24-26 in Kansas City, Missouri, sponsored by the U.S. Trade and Development Agency (TDA)

The conference will offer investment opportunities in such areas as power generation and transmission, natural gas pipelines, water treatment systems, hazardous waste and recycling projects, railway and subway systems, toll collection systems, and airports and highways, according to the TDA, the government's independent federal trade agency.

TDA said more than $ 10,500 million in infrastructure projects, with potential earnings of $6,100 million for U.S. exporters, will be discussed at the conference on "Infrastructure Opportunities in Mexico: Getting Good Projects on Track." The conference, TDA said, is for U.S. exporters only.

TDA director Joseph Grandmaison said in a statement that U.S. exporters will be able to showcase their products and services during the conference, which will feature one-on-one meetings arranged by TDA between U.S. companies and key procurement officials of the Mexican projects.

"Small businesses in particular" will benefit from the conference, he said. "For less than the price of an airline ticket to Mexico, small businesses can pitch their services and projects directly to dozens of key buyers representing millions in sales."

TDA also has announced the leading 53 infrastructure and industrial projects in Mexico that hold the most potential for U.S. exports. The projects include 16 involving energy, 13 environmental, 12 transportation, nine telecommunications, and three industrial.

In releasing the list, Grandmaison said Mexico represents "one of the fastest-growing and most stable for U.S. exporters."

The projects, he said, "are key to economic growth billions dollars in export opportunities for U.S. firms in their own backyard."

Topping the list is the TELECOMM Satellite project nationwide, with the potential for $1,450 million in U.S. exports.

Others leading the list are the Cadereyta refinery project in Neuvo Leon with $ 700million in U.S. export potential; Rosarito gas- fired power plant project in Baja California ($ 450 million); Cutzamala water supply project in the state of Mexico ($ 250 million); and southeast railroad modernization in the southeast part of the county ($ 360 million).



World ❑ Latest ❑ News

ONE-FOURTH OF U.S. CHILDREN ON WELFARE IN 93- AUGUST 22

Judge to rule on alleged mobster`s competence Report: Sailor relieved of duty after suspected sub sabotage california Senate OKs castration of molesters ACLU wants judge to rethink

World ❑ Latest ❑ News

CLINTON EXTENDS WAR CRIME PROSECUTIONS

WASHINGTON - President Clinton has signed legislation enhancing U.S.authority to prosecute certain war crimes.

THE President, in a statement on signing the measure August 21, said he will ask Congress for even broader authority to prosecute war criminals, including any national who comes within U.S. judicial jurisdiction.

The law Clinton signed August 21 complements the 1949 Geneva Conventions by authorizing prosecution in U.S. courts of war criminals found in or extradited to the United States. The law would apply to any U.S. national accused of a war crime, including members of the U.S. armed forces, and to any American national subjected to a war crime in an overseas conflict.

"This legislation," the president's statement said, "represents an important reaffirmation of American leadership in the development of the law for the protection of victims of war."

Following is the text as delivered:

Today I am pleased to sign into law H.R. 3680, the "War Crimes Act of 1996" This bill, in furtherance of the Geneva Conventions of 1949, extends U.S. criminal jurisdiction over certain war crimes and provides the United States with clearer authority to prosecute violations of the laws of war.

Most grave breaches of the Conventions are already subject to U.S. prosecution if committed in the United States and many - such as hostage taking, terrorism, or genocide - could be prosecuted even if committed abroad. However, many other crimes, which would be considered grave breaches of the conventions, could not be prosecuted in U.S. courts. This legislation is designed to help fill that gap. It authorizes the prosecution of war criminals if they are found in or extradited to the United States. It applies to U.S. nationals of members of the Armed Forces who are perpetrators or victims of war crimes. It would apply, for example, in the case of American civilians subjected to war crimes in an overseas conflict.

This legislation represents an important reaffirmation of American leadership in the development of the law for the protection of victims of war.

In keeping with this leadership role, however, we can and should do even more to strengthen the law in this area. To that end, my administration is committed to working with the Congress to expand the scope of this legislation. This expansion should address: (1) war crimes committed by any person who comes within the jurisdiction of the U.S. courts, including crimes committed by non-U.S. persons against non-U.S. victims, (2) cases involving other serious war crimes not covered by H.R. 3680, such as those prohibited by The Hague Conventions of 1907, and (3) cases involving acts to be made criminal under the recently improved landmines protocol of the Convention on Conventional Weapons. This broadening of the law would not require the United States to exercise jurisdiction in any particular case, but would provide the authority to do so in the national interest.

This bill and the expansions we seek have been endorsed by the American Red Cross, which has had an important role to play in this area ever since its founder Clara Barton took the lead in securing U.S. ratification of the first Geneva Convention. The international Committee of the Red Cross has also voiced its support for our efforts to broaden the scope of this legislation.

In sum, this bill serves important goals and is a significant step forward. Now we should build on this progress and seek further improvements in promoting respect for the laws of war and in reinforcing protections for the victims of war.

World ❑ Latest ❑ News

MANDELA WILL NOT RUN FOR PRESIDENT IN 1999

JOHANNESBURG, South Africa. President Nelson Mandela formally told his party he won't seek re-election in 1999, the African National Congress said Sunday. Mandela, 78, has repeatedly said he believes he is too old for a second term. His formally announcement that he will not run in elections scheduled for 1999 and that he would not seek the party leadership again, came during a weekend meeting of the ANC's top decision-making body.

AUSTRALIA: DEMONSTRATORS PROTEST WELFARE CUTS

CANBERRA, Australia - The United States isn`t the only country where the welfare debate is heating up. Demonstrators protesting welfare cutbacks rammed their way into Australia`s parliament building Monday with wooden planks, hand tools and a trolley. Nearly 25,000 protesters angered by planned budget cuts and new labor laws turned violent when about 1,000 labor unionists, aborigines and students broke through police lines and into legislature.

World ❑ Latest ❑ News

AGRICULTURE DEPT COMPLETES PHASE ONE ATTACK ON WHEAT FUNGUS

WASHINGTON - The Karnal bunt task headquartered in Phoenix, Arizona, is wrapping up the initial phase of combating this fungal disease of wheat.

"The discovery of Karnal bunt this spring kicked off a comprehensive effort to identify contaminated areas and take actions to prevent spread to areas free of this wheat disease, "said Terry Medley, administrator of the U.S. Department of Agriculture's (USDA's) Animal and Plant Health Inspection Service (APHIS). "These actions were also designed to protect our U.S. wheat export market.

«We are working closely with producers, millers, shippers, exporters, state officials, and ofher interested parties to sort through all the issues surrounding Karnal bunt», he continued, «I am optimistic that we can control and contain this disease and develop a strategy that will allow us to reach our goal of eventually eradicating Karnal bunt in the United States».

The USDA Karnal bunt task force was activated immediately after the March 8 confirmation that Karnal bunt nad been detected for the first time in the United States. Scientifically, Karnal bunt, or partial bunt, is caused by the smut fungus Tilletia indica Mitra and is spread by spores. Typically, only a portion of the kernel is affected; that's why the disease is sometimes called partial bunt. It presents no human health risk and affects only wheat, durum wheat, and triticale (a hybrid of wheat and rye).

Damage from Karnal bunt is twofold: (1) infected plants produce less grain, and (2)flour made from bunted-or "smutted"-kernels can be discolored with an unpleasant, fishy odor.

Although overall crop losses caused by Karnal bunt might not be severe, a number of countries restrict imports of wheat because of Karnal bunt,and thus it could affect U.S. grain exports.

According to Frank Coolidge of USDA'S Foreign Agricultural Service, the United States accounts for nearly 30 percent of world wheat exports. "In calendar year 1995," he said, "U.S. wheat exports were valued at $5.5 billion."

ciba

ШВЕЙЦАРИЯ ФИРМАСИ
ВАКОЛАТХОНАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИНИНГ 5 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН МАМЛАКАТ ҲУКУМАТИ ВА ЎЗБЕК ХАЛҚИНИ ҲАМДА БАРЧА ҚИШЛОҚ ҲЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИНИ ЧИН КЎНГИЛДАН ТАБРИКЛАЙДИ!

Ўзбекистон "оқ олтин"ининг
ҳосилдорлигини ошириш учун
Швейцариянинг
"Сиба" фирмаси ваколатхонаси
томонидан етказиб берилаётган
минерал ўғитлар юксак
пахта хирмонингизга
барака киритсин!

Ваколатхона манзили:
Тошкент шаҳар,
"Марказ-5" даҳаси, 10-уй, 2-хонадон.
Тел: 34-91-11, 35-37-91.

National Electronics, Inc., America
UZBEKISTAN

Бутун меҳнатсевар ўзбек халқини
шонли сана -
республика мустақиллигининг
5 йиллиги
муносабати билан
чин қалбдан муборакбод этади.

Сизнинг гўзал мамлакатингиз
янада
гуллаб-яшнасин!

Ўзбекистон Республикасининг
барча фуқароларига
тинчлик, фаровонлик
ва бахт-саодат
ёр бўлсин.

ЎЗБЕКИСТОН ЎСИМЛИК-ШУНОСЛИК ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИЛМГОҲИ
Қуйидаги бўш ўринларга ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

1. Техник экинлар лабораториясига:
Мудирлик лавозими қ.х.ф.н. - 1 ўрин.
Катта илмий ходим қ.х.ф.н. - 3 ўрин.
Кичик илмий ходим қ.х.ф.н.- 3 ўрин.

2. Дала экинлари, мева-резавор экинлари ва узум, сабзавот-полиз экинлари ва картошка, янги экинлар, мойли экинлар, биохимия, интродукция лабораториялари га:
Катта илмий ходим қ.х.ф.н. - 7 ўрин
Илмий ходим - 7 ўрин
Кичик илмий ходим - 9 ўрин

Танловда қатнашиш учун қуйидаги хужжатлар топширилади:
Ариза, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, кадрлар шахсий варақаси, таржимаи хол, характеристика, дипломлар нусхаси, илмий ишлар рўйхати,3х4 ҳажмда 4 дона расм.
Ҳужжатлар илмгоҳ илмий котибига топширилади.
Танлов муддати эълон босилиб чиққан кундан бошлаб 1 ой.
Манзилимиз: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника қишлоғи, Ўзбекистон Ўсимликшунослик илмгоҳи.
Автобус: № 101 «Максим Горький - Улуғбек», автобус «Қибрай - ЎзПИТИ», Ботаника бекати.

«НУР-ЭФ-ШАН» турк фирмаси
ўзбек ва туркий халқларни Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллиги билан самимий муборакбод этади!
Ўзбекистон ва Туркия халқлари ўртасидаги азалий қардошлик ва дўстлик алоқалари абадий бўлсин!

Sulaiman Taj Label Tea
PURE INDIAN TEA
A selection of superb high-grade Indian teas carefully chosen for their strength and delicious flavour
250 gms.


СУЛЕЙМАН КОМПАНИЯЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ
Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги шодиёнаси билан Ўзбекистон ҳукуматини ва бутун ўзбек халқини қизғин муборакбод этади.
Ассоциация қутлуғ байрамга атаб сотувдаги чой маҳсулотлари баҳосини арзон қилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, ГУМ ва савдо растаси оралиғидаги Сулейман чой дўкони.
Тел. 44-08-42, 44-03-61.

LONDON TEA

Янги"ВАЗ"лар Литвада

053-4800$	1996 йилда ишлаб чиқарилган
074-5300$	Паневежикс шаҳри, Смелинес
093-6400$	кўчаси, 2с, *"Экзотика" фирмаси*
099-6600$	Тел:(0125)42-29-39, 46-14-91.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк курси бўйича



BUSINESS-COMPLEX

Тошкент шаҳри, Ҳамид Олимжон майдони

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИ МАҲКАМАСИ

ПОЙТАХТ БИЗНЕС-МАЖМУИ

улуғ айём - мамлакатимиз мустақиллигининг
беш йиллиги билан муборакбод этиб,
сиз азизларни байрамолди катта савдосига
таклиф этади.
Шошилинг! Нархлар 30 фоизгача туширилган.
Марҳамат, ташрифингиздан
бағоят миннатдормиз!

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!



Ўзбекистон Республикаси Халқ банки ва
Халқаро Амир Темур жамғармасининг
пул-ютуқли «ХАЗИНА» лотереясини сотиб олингиз!

Лотереянинг баҳоси - 25 сўм.

Ушбу лотерея ўйинида:

5та	*1000000*	*сўмлик*
10та	*700000*	*сўмлик*
5та	*200000*	*сўмлик*
5та	*100000*	*сўмлик*
5та	*50000*	*сўмлик*
10та	*20000*	*сўмлик*
25та	*10000*	*сўмлик*
50та	*5000*	*сўмлик*

ВА ҲОКАЗО ЮТУҚЛАР БОР!

Лотерея тиражи 1996 йил 29 октябрда Тошкент шаҳрида ўтказилади.
Тиражда 50 миллионлик ёки 493165 дона ютуқлар бор.

Лотереяни 25 сўмга сотиб олиб, Сиз катта нарса йўқотмайсиз, балки ютуқ эгаси, миллионер бўлиб энг бахтли ва бадавлат одам бўласиз.

Лотереядан тушган даромад нафақат Амир Темур, темурийлар тарихи ва маданиятини ўрганиш,уни кенг тарғиб этиш, ўша замонларда бунёд этилган обидаларни тиклаш ва таъмирлашга, балки ота-боболаримизнинг улкан меросини халқимизга етказиб беришдек хайрли ишларга ва Халқ банки ривожланиши учун сарф этилади.

Уни Халқ банкларининг барча бўлимларидан ва жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

СИЗГА ОМАД ЁР БЎЛСИН!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАНКИ
ВА ХАЛҚАРО АМИР ТЕМУР ЖАМҒАРМАСИ


"ОСИЁ-ВОЛГА"

МИНТАҚАЛАРАРО МАРКАЗИ

пул ўтказиш йўли билан қуйидаги автомобилларни:

УАЗ-31514-032	*УАЗ-31512*
УАЗ-31514-012	*УАЗ-3909*
УАЗ-31514-031	*УАЗ-3962*
УАЗ-31512-027	*УАЗ-2206*

ва уларнинг эҳтиёт қисмларини СОТАДИ.



Шошилинг, нархлари энг арзон!
Ҳақини рус рублида, қозоқ тенгесида ҳам тўлаш мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-А.

Тел/факс (3712) 41-52-41, 41-58-51, 36-00-08.

JEDCO

ИОРДАНИЯ САНОАТ КЎРГАЗМАСИ -

ИОРДАНИЯГА САВДО ЙЎЛИДИР

Иорданиянинг асосий саноат компаниялари иштирокидаги биринчи иордан саноат кўргазмасига

ХУШ КЕЛИБСИЗ!


1996 йил 25 августдан 31 августгача
Иордания саноатининг аъло сифатли товарлар саноат кўргазмасига
сизни чорлайди.

Манзил: Хадра майдони, теннис кортлари зали (Цирк ёнида).

"АЗИЯ-ОИЛ-ЭКОГЕОТ"
компанияси

пул ўтказиш йўли билан
Голландиянинг АИ-95,
Қозоғистоннинг А-80, А-91 бензинини,
дизель ёнилғисини
СОТАДИ

Шунингдек, уларни сақлаш ва қуйиб бериш хизматларини ҳам кўрсатади.
Кенг турдаги
автошиналар ва аккумуляторлар,
Финляндиянинг
15 W 40 *мотор мойи,*
Хитойнинг паркет линолеуми ҳам мавжуд.



Манзил:
Тошкент, Пушкин кўчаси,59.("УзНИИПРОЦВЕТМЕТ")
I-қават, "Ҳамид Олимжон" метро бекати
Телефонлар: (3712)68-56-41, 68-16-41, 36-00-45.

AN INSERT TO OUR "UZBEKISTON OVOZI"
(The Voice of Uzbekistan) NEWSPAPERS IS ALWAYS AT YOUR SERVICE

One of the leading in Uzbekistan, "Uzbekiston ovozi", has an increasing number of readers across the country. Foreign companies and organizations are showing great interest in advertising in our newspaper. That's the reason why the editorial office is working hard to prepare ads in Uzbek, Russian, English and other foreign languages.
You are always welcome if you have any questions concerning ad placement.
Our address:
Matbuotchilar str. 32, Room 344, Tashkent
Phone: 33-38-55
Fax: 33-79-14

The "Uzbekiston ovozi-times" is ready to work with you!

«ЎЗАВТОШИНА»
Тошкентдаги омбордан

185x 82xR15 РАФ (Ярославль)
260x508 КАМАЗ, ЗИЛ, (Омск, Киров)

автошиналарини сотади



Ҳақ тўлаш шакли - пул ўтказиш ва вексель йўли билан.
Манзил: Тошкент шаҳри, Ойбек кўчаси, 42.



Тел: (3712) 55-95-95, 54-99-77.
Факс: (3712) 55-81-95.

Editor-in-chief *Azim SUYUN*

Deputy of Editor-in-chief *Alisher RUZIEV,*
Managing editor *Narzulla SHANIYAZOV,*

Editorial Board: *Asliddin BOLIEV, Alimkul SULTONOV,*
Design and computer layout *Gulshan ASADOVA.*

For placing of ADVERTISEMENT please call by tell: 33-38-55, 33-54-55 or send fax: 33-54-55.

Printed by the "Shark" publishing-printing concern. 41, Buyuk Turon st.

● ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

Мамлакатимиз ўз истиқлолининг беш йиллигини сарҳисоб қилаётган шу кунларда босиб ўтилган қисқа, лекин улкан йўлга бир назар ташласак, нақадар катта вазифалар, ишлар амалга оширилганини кўрамиз. Хўш, бизнинг қувонч-ташвишларимизни бошқалар қандай баҳолайди? Қуйида Туркия Республикасининг мамлакатимиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Эрдўғон Айтун жаноблари билан ҳозирги катта байрам арафасида мухбиримиз суҳбатини эътиборингизга ҳавола этамиз.

ЭРДЎҒОН АЙТУН:
«ЭНГ КЎП ҒУРУРЛАНАДИГАН ХАЛҚ ЎЗБЕКЛАР БЎЛАДИ»

— Мухтарам элчи жаноблари, жаҳон тарихига назар ташлайдиган бўлсак, давлатнинг тикланиши ва тараққиётида икки омил — зўрлик ёки адолат муҳим ўрин тутганини кузатамиз. Айтингчи, сиз қайси омилни тараққиётга етакловчи куч деб биласиз?

— Дарҳақиқат, жаҳон тарихини кўздан кечирадиган бўлсак дунёдаги, жумладан, Европадаги кўпгина мамлакатлар тараққиётига диктатура ҳукмрон бўлган йилларда эришганига амин бўласиз. Бироқ, бугунги кунда зўрлик қўллаш ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Бундай тузумлар жуда узоқ тарихда қолиб кетди. Энди жаҳон тараққиёти, маданияти ривожи бундай усулларни ғайриинсоний деб эътироф этади.

Хўш, жамиятни, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда нима муҳим омил бўлади? Менинг назаримда мамлакатда сиёсий барқарорликнинг таъминланиши ва сақлаб қолиниши ривожланишнинг асосий шарти сифатида фавқулодда муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқиб, у ёки бу давлатда зукко раҳбар йўлбошчилигида инсон ҳуқуқларига ҳурмат тамойиллари доирасида сиёсий барқарорликка эришиш билан бир қаторда демократия соҳасида янги ютуқларнинг қўлга киритилиши тараққиёт учун қулай шарт-шароитлар яратади. Бу ўринда Ўзбекистон бугунги кунда зукко йўлбошчи, ҳурматли Президент Ислом Каримов раҳбарлигида муваффақият билан амалга ошираётган ишлар фикримизга ёрқин далил бўла олади. Мамлакатингиз «фалаж қилиб даволаш» усулини инкор қилган ҳолда иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошираётгани тўғри йўл экани, бу нафақат иқтисодий натижаларга эришиш, балки тинчлик ва барқарорлик сақланиши, умум манфаатлари муҳофазаси учун энг мақбул сиёсат экани эътироф этилмоқда. Мен кўпчилик манфаатини адолат мезони деб атаган бўлардим. Адолат орқали умумхалқ манфаатини кўзлаб эришилган тараққиёт собит, мустаҳкам бўлади.

Демократия бир кун ёки бир неча йилда эришиладиган неъмат эмас. У жамият аъзолари маънавиятида кечадиган ўзгаришларга мос равишда аста-секинлик билан қарор топади. Лекин асосийси, тўғри йўлни танлай билишда. Ўзбекистон тараққиётга демократияни қарор топтириш, адолат йўли билан эришаётгани жаҳонда унинг обрў-эътиборини оширмоқда.

— Иқтисодий манфаат устун қўйилганда маънавият сусаяди, деган гап бор. Сиз бу фикрга қандай муносабат билдирасиз? Жамият иқтисодий ва маънавий жиҳатдан ривожланиши учун сизнингча нималарга кўпроқ эътибор бериш керак?

— Инсон иқтисодий жиҳатдан тараққий этишни асосий мақсад қилиб қўйганда, соддароқ қилиб айтсак, бойлик кетидан кувганда дўстлик, эзгулик, қўшничилик, бир-бирига ёрдам каби гўзал ахлоқий қадриятларни маълум даражада унутади, худбинлашади. Бу ҳолни дунёнинг ҳар бурчагида кузатиш мумкин. Давлат ҳам иқтисодиётда инқилобий ўзгаришлар қилиш лозим бўлган ўтиш даврида асосан иқтисодиётга эътибор беради. Гоҳида маънавият ривожига етарли даражада эътибор қаратишга маблағ, молиявий имконият тополмайди. Бироқ бу ўткинчи ҳолдир. Давлат оёққа туриши жараёнида маънавиятга керагича эътибор қаратмас экан, у мамлакатнинг истиқболи йўқ. Ўзбекистон Президенти бу ҳақда жуда гўзал фикрларни билдирган, Ўзбекистон буюк келажакни боболардан қолган муқаддас мерос ассосида яратишини ҳам бир неча бор таъкидлаган. Улуғ аждодларга ҳурмат, уларнинг эзгу ишларини давом эттириш сиёсати жамиятингиздаги маънавий покловчи куч бўлиб хизмат қилади, деб ишонаман. Эзгулик инсонни тарбияли, маданиятли қилади. Бундай инсонлар ҳеч қачон ахлоқий қадриятларни унутмайдилар. Шу боис маънавият юксак бўлиши учун маърифатга, инсон тарбиясига эътиборни кучайтириш даркор деган фикрдаман.

— Айни пайтда жаҳонда ташқаридан қараганда бир-бирига зиддек туюладиган икки йирик жараённи кузатиш мумкин. Буларнинг бири ўз мустақиллигини мустаҳкамлашга интилиш бўлса, иккинчиси айрим минтақадаги давлатларнинг ягона тизимга интеграциялашув жараёнидир. Сизнингча, қайси жараённинг истиқболи порлоқ?

— Мен шахсан қатъиян мустақилликнинг истиқболи порлоқ эканлигига ишонаман. Тўғри, бугунги кунда жаҳонда ҳеч бир давлат маҳдудликда, ёлғизликда яшай олмайди ва ҳатто, бир-бирига муҳтождир. Лекин, бу нарса мустақилликдан воз кечиш дегани эмас, интеграция, иттифоқлар мустақилликдан кечиш ҳисобига бўлмаслиги керак.

Ҳар бир давлат аввало иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлиши лозим. Иқтисодий мустақил бўлмаган давлат сиёсий жиҳатдан ҳам мустақил бўлолмайди. Давлатлар ўз манфаатидан келиб чиқиб, ўзаро иқтисодий иттифоқлар тузишлари табиий. Аммо, бу ўринда дастлаб иттифоққа аъзо бўладиган мамлакат ўз истиқлолини тўла кафолатлаган бўлиши лозим. Ана шундай мустақил мамлакатларнинг ўзаро тенглик асосидаги иттифоқи, ҳамкорлиги истиқболли бўлади.

— Комил инсон тарбияси ҳамиша давлат ва жамиятнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб келган. Сиз бу ўринда нималарга эътибор бериш керак деб ўйлайсиз?

— Мукаммал маданиятли, билимли инсонни тарбиялаб етиштириш ҳар бир жамиятнинг биринчи галдаги вазифасидир. Шу тарзда тарбияланган инсон айни пайтда таъбир жоиз бўлса, тараққиётнинг ҳам юрагидир. Бундай инсон тарбиясида таълим тизими муҳим ўрин тутса-да, аслида комил инсонни шакллантирадиган муҳит оиладир. Инсоннинг асосий феъл атвори унинг 7-8 ёшларигача шаклланади. Кейинчалик қанча ҳаракат қилинмасин ана шу йиллар ичида сингдирилган тарбия, билим феъл-атворининг асосий пойдевори бўлиб қолади. Шу боис инсон тарбиясида оила энг муҳим омил бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда тараққий этган давлатларда гиёҳвандликка берилган ёшлар орасида олиб борилган тадқиқотлар улар оилалари нотинч бўлганини, ноаҳил ва ажрашган ота-оналар фарзандлари эканлигини кўрсатмоқда.

Шундай қилиб, ростгўй, фазилатли, билимли, маданиятли бўлган комил инсон тарбиясида оилага алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Туркияда бу борада нафақат давлат, балки хотин-қизлар ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқдалар.

— Сиз билан Ўзбекистон Мустақиллигининг беш йиллиги байрами арафасида учрашиб турибмиз. Кутлуғ кунда муштарийларимизга қандай тилаклар билдирасиз?

— Ўзбекистон 5 йилда дарҳақиқат, буюк ишларни муваффақият билан амалга оширди. Ўзбекистон халқини шу боис чин юракдан энг самимий туйғулар билан муборакбод этаман. Ишонаманки, меҳнаткаш, меҳмондўст, эзгу ниятли халқи бўлган Ўзбекистон қисқа муддат ичида тараққий этган давлатлар қаторидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллайди.

Қондош ва қадрли Ўзбекистон халқига яна бироз сабр қилишларини, айни пайтда эса ўз мустақиллигининг мустаҳкамланиши учун жондили билан астойдил ҳаракат қилишларини, ватанини ва мамлакатини севган ҳолда кучлари борича бунёдкорлик билан машғул бўлишларини тавсия этаман.

Яқин орада ижтимоий ислоҳотларнинг ва тараққиётнинг мевасини кўриб, улардан баҳраманд бўладиган, ўзини бахтиёр сезиб, энг кўп ғурурланадиган халқ ўзбеклар бўлади.

Кўпайсин АЛИЕВА суҳбатлашди.

ҲАВОДАГИ ҲАЛОКАТ

Ўтган ойда АҚШда рўй берган самолёт ҳалокатига тааллуқли текширишлар якунланай деб қолди. Узун-Орол ва Нью-Йорк сари парвоз қилган ҳаво кемаси манзилга етмай тушатдан портлаб кетганди.

Жума кунги манбаларда бу фожиали ҳодисанинг сабаблари аниқланган ҳақида дастлабки маълумотлар эълон қилинди. Махсус эксперт хулосасига қараганда, самолёт салонининг 17 ва 27 қаторлари орасига портловчи кимёвий мослама қўйилганлиги аниқланди.

ҚОТИЛЛИКДА АЙБЛАНЯПТИ

Ахборот агентликларининг пайшанба кунги маълумотига, қараганда, америкалик ҳибсга олинган К. Жек бир неча жиноят содир этганликда айбланяпти.

Полициячиларнинг жиноий иш якунларига доир билдирилган хулосаларига кўра , у кейинги пайтда бир-бирига ўхшаш услубда содир этилган 38 та қотилликда «қўли» бор деган фикрни айтишяпти.

К. Жекни полициячилар пайшанба куни 40 ёшли



Миссури исмли аёлнинг жасадини йўқотишга улгурмасданоқ қўлга олган эди.

ПРЕЗИДЕНТ ЧЕКИШГА ҚАРШИ

Билл Клинтон жума куни давлат аҳамиятига молик масалаларни ҳал эта туриб, тамаки чекиш устида ҳам тўхталиб ўтди.

Президент шунингдек, сигарет ва тамакини реклама қилувчи махсус ташкилотлар ҳамда уни ишлаб чиқарувчи корхоналарга бу борада махсус тегишли тадбир ишлаб чиқилганлигини маълум қилди.

Оқ уй амалдорларининг таъкидлашича, инсон саломатлигига табиат, ҳавони ифлослантираётган сигарета чекиш рекламасини чеклаш ҳақидаги қатъий тадбир натижасини шахсан Президентнинг ўзи назорат остига олганини уқтириб ўтишди.

ЯНА МЕКСИКА ТЎФОНИ

Мексикада рўй берган табиий офат ҳақида илгари ҳам хабар қилинганди. Миллий ҳавони кузатиш марказининг маълум қилишича, Мексикада бошланган тўфон борган сари каттароқ масштабга ёйилмоқда.

Айниқса, бу табиий офат денгиз қирғоқларига катта талафот етказмоқда.

Тўфоннинг тезлиги соатига 75 милдан 93 милгача кўтариляпти. Кучли шамол мамлакат иқтисодиётига жиддий зарар етказди. Жумладан, Мексика қирғоқларидаги асосий портлардаги юк ташиш ишларининг издан чиқиши барчани ташвишлантиряпти.

ҚИСҚАЧА АЙТГАНДА...

● *ЛОНДОН. Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) Польшага 95 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит беришга қарор қилди. Бу маблағ темир йўлларини таъмирлашга сарфланади.*

ЕТТБ вице-президенти Гай Де Сальенинг таъкидлашича, Польша темир йўллари Ғарбий Европа давлатлари темир йўли андозаларига мувофиқ бўлиши керак.

***

● *ТОКИО. Ўтган хабарларимизда Японияда эпидемия келтириб чиқарувчи «бацилла 0-57» бактерияси ҳақида маълумот берган эдик. Мамлакат ахборот маҳкамаларининг хабар беришича, мазкур бактерия Япониядан Тайванга ҳам ўтмоқда. Ҳозирда Тайван фуқароларининг бири бактериядан заҳарланган аниқланди. Юқумли касаллик келтириб чиқарувчи «бацилла 0-57»га қарши кураш учун Тайван ҳукумати махсус гуруҳ тузишга қарор қилди.*

КЕСКИН ТЎҚНАШУВЛАР БОШЛАНДИ

• БАНГЛАДЕШ. Дакка университети талабалари билан ҳукмрон партия ҳамда Бангладеш миллий партияси тарафдорлари ўртасида кескин тўқнашувлар бошланди. Дастлабки маълумотларга қараганда, толиблардан бири ҳаётдан кўз юмган, ўндан ортиғи жароҳатланган.

Айни пайтда, ҳукумат қарори билан, Дакка университетида машғулотлар тўхтатиб қўйилди. Полициячилар вазиятни енгиллаштириш ҳамда талабалар гаровга ушлаб турган ўқитувчиларни озод қилиш билан шуғулланмоқда.

ҲАМКОРЛИКДАГИ ҲАРБИЙ МАШҚЛАР

• БРЮССЕЛЬ. НАТО ҳарбий қўмондонлиги «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури асосида 9-13 сентябрь кунлари Чехия ва 12 мамлакат қуролли кучлари ҳамкорлигида ҳарбий машқлар ўтказилишини эълон қилди.

Ҳарбий машқларда НАТОга аъзо давлатлар ҳамда унинг таркибига кирмайдиган давлатлар қўшинларининг ҳамкорликдаги ҳаракати тадбирлари ишлаб чиқилади.

ЖЕССИ ХЕЛМСНИНГ ТАЛАБИ

• ВАШИНГТОН. АҚШ сенати ҳузуридаги хорижий ишлар қўмитаси раиси Жесси Хелмснинг таъкидлашича, БМТ ўз маъмурияти ва бюджетига ўзгартишлар киритмаса, АҚШ ҳукумати бу нуфузли ташкилотдан чиқиш масаласини кўриб чиқади. Унинг сўзларига қараганда, БМТ маъмуриятида 53744 киши хизмат қилиб, мазкур ташкилот «шартномаларнинг бажарилишини назорат қилишдан тортиб, инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатишгача, ҳамма иш билан шуғулланади». Бу тадбирларга сарфланадиган харажатнинг катта қисми эса АҚШга тўғри келмоқда.

Ж. Хелмснинг таъкидлашича, БМТ хизматчиларининг сони 50 фоиз қисқариши, унинг йиллик харажати 250 миллион АҚШ долларидан ошмаслиги керак.

Шунингдек, у АҚШ маъмурияти БМТдан мазкур ислоҳотларни 2000 йилгача амалга оширилишини талаб қилаётганини айтди.

ЕТТИТА ЯНГИ РАКЕТА БАЗАСИ ҚУРИШ МЎЛЖАЛЛАНДИ

• ТАЙБЭЙ. Тайван ўз ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида Америка Қўшма Штатлари ҳамкорлигида еттита янги ҳарбий ракета базаси қуришни режалаштирмоқда.

Тайван Мудофаа вазирлиги эълон қилган маълумотларга қараганда, мазкур базаларда АҚШнинг «Пэтриот» деб номланган зенит ракеталари ўрнатилади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, Хитой ҳукуматининг ҳарбий сиёсати, хусусан, унинг Тайван яқинида ҳарбий машқлар ўтказиши Тайван ҳукуматини қаттиқ ташвишга солган ва унинг шундай чора кўришига сабаб бўлган.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 26

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30 «Ҳафтанома».
*
8.30 Мусиқий хазина. «Дугоҳ».
9.00 «Нурли сиймолар». Кинодастур.
9.30 «Ҳаммаси маҳалладан бошланади». Публицистик кўрсатув.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Камолот сари». Теле-очерк.
10.35 Болалар учун. «Қувноқлар давраси».
11.00 «Ҳусусийлаштиришнинг янги йўналишлари».
11.30 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
11.55 «Бугдойзордаги уйча». Мультфильм.
12.05 Шароф Бошбеков. «Тақдир эшиги». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.
14.00—14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Буюк Ипак йўли». Мусиқий саёҳат. «Ўзбектелефильм» премьераси.
18.35 «Эркатой».
18.50 «Мозийдан садо».
19.05 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон — Ватаним манним!» Республика қўшиқ кўрик-танлови кундалиги.
21.20 Буюк келажак сари. «Озодлик». Видеофильм премьераси. 1-серия.
21.50 «Бу оқшом».
22.20 «Морена Клара». Телесериал.
23.05 «Рангин дунё». Бадиий-публицистик кўрсатув.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Самарқанд вилояти.
00.25 Тунги тароналар.
00.35—00.45 «Ватан тимсоллари».
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.40 «Палитра».
19.10 «Услуб» (мода янгиликлари).
19.20 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот».
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон».
20.10 «Мусиқа, ҳолос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Курьер».
21.20 «Прайм-тайм».
21.30 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.00—24.00 «Спорт қитъаси».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ўзбекистонда кўз». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
18.10 — 20.35
*
20.35 «Занданечи сири», «Хонатлас». Телефильмлар.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Кўзмунчоқ». Болалар учун дастур.
19.30 Эълонлар.
19.35 «Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси».
20.05 «Шукрона».
20.10 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.35 Эълонлар.
20.40 Кинематограф. «Инспектор Фрост». Телесериал.
21.25 «М-хабар».
21.35 «Сиз ва биз».
22.05 «Аёл».
22.35 «Сиз ва биз» (давоми).
23.05 Эълонлар.
23.10 «Спорт-тайм».
23.40 — 23.50 «Хайрли тун!».

СЕШАНБА, 27

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Олам ва одам». Маърифий кўрсатув.
9.00 Биржа ва банк хабарлари.
9.20 «Истиқлол рамзи». Телефильм.
9.30 «Ором». Мусиқий дастур.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Тараққиёт». Публицистик кўрсатув.
10.35 Инглиз тили.
11.05 «Шифокор маслаҳати».
11.15 «Мунир лаҳзалар». Адабий кўрсатув.
11.45 «Мактаблар янги ўқув йилига шайми?».
12.45 «Биз ҳиссадор бўлдик».
13.00 «Майсаранинг иши». Бадиий фильм. 1-серия.
14.00—14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун. «Доно бобо давраси да».
18.35 «Виждон». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Мустақиллик меваси». 12 ёшли талаба.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси VI сессияси олдидан.
21.20 Буюк келажак сари. «Озодлик». Видеофильм премьераси. 2-серия.
21.50 «Оҳанглардан таралган меҳр».
22.10 «Мен Ватанни мадҳ этаман».
22.20 «Альманах-ТВ».
22.55 «Юртим жамоли».
23.15 «Замон».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Навбаҳор» — «Суғдиёна».
00.40 Тунги тароналар.
00.50—01.00 «Ватан тимсоллари».
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.05 «Мультфейерверк».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар». Хотин-қизлар учун кўрсатув.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Киноними».
23.35—00.20 «Спорт қитъаси».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Тошкент фавворалари». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
***
18.10 — 20.35
*
20.35 «Бахтим, сени куйлайди». Фильм-концерт.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 — 22.30 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
19.35 «Спорт-дайжест».
20.05 Эълонлар.
20.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
21.00 «Шукрона».
21.05 «Дипкурьер».
21.20 «Ватан — менинг тақдиримда». Молдова Мустақил деб эълон қилинганлигининг 5 йиллигига.
21.40 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
21.55 «16 эл». Немис тилида шарҳ.
22.25 Эълонлар.
22.30 «Кўркам сакура».
23.00 «Океандан океангача». USA-круиз.
23.30 Эълонлар.
23.35 «Сирдошим».
.00.05—00.15 «Хайрли тун!».

ЧОРШАНБА, 28

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00—8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Кўзларим сузлар». Муҳаббат Ғофурова куйлайди.
8.55 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
9.25 «Истиқлол маликалари».
10.00 Янгиликлар.
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.35 «Санъатга бахшида умр». Ўзбекистон халқ артисти Бекажон Раҳимова.
10.55 «Ёшлик» студияси. «Ватангпарвар».
11.25 «Фарруҳ ва Зумрад». Мультфильм.
11.40 «Камондаги қалб». Мусиқий дастур.
12.10 «Тафаккур ёлқинлари».
12.30 Болалар учун. «Бу дамлар ўхшар эртакка».
13.00 «Майсаранинг иши». Бадиий фильм. 2-серия.
14.00—14.05 Янгиликлар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Ўбалик муъжизакорлар», «Зарралар оламида». «Ўзбектелефильм» премьераси.
18.40 «Замон билан ҳамнафас».
18.55 «Бу ёруғ оламда Ватан битта-дир...».
19.00 «Оҳанглар оғушида».
19.05 «Сайёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Фольклор-этнографик жамоаларининг «Зилол» телефестивали.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси VI сессияси олдидан.
21.20 Буюк келажак сари. «Озодлик». Видеофильм премьераси 3-серия.
21.50 «15 дақиқа спорт ҳақида».
22.05 «Автоолам».
22.20 «Морена Клара». Телесериал.
23.05 «Тилсим». Тележурнал.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Жиззах вилояти.
00.25 Тунги тароналар.
00.40—00.50 «Ватан тимсоллари».
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Табиат дунёси».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё бўйлаб..».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Дриблинг».
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.55—23.55 «Спорт қитъаси».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Тошкент . Эски шаҳар». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
*
18.10 — 20.35
*
20.35 Эълонлар.
20.40 «Жонли сайёра».
*
Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.20
*
21.20 Эълонлар.
21.25 «Янги қурбон». Телесериал.
22.15 — 22.20 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Ўзбекистон муштарак».
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Жаҳон болалари».
19.35 «Шукрона».
19.40 «Бугунги Словакия». Словакия Республикаси миллий байрамига.
20.00 Эълонлар.
20.05 Кинематограф. «Инспектор Фрост». Телесериал.
20.55 «Тошкент оқшомида».
21.25 «Маънавият сарчашмалари».
21.55 Эълонлар.
22.00 «IV канал» эксклюзиви».
22.30 Эълонлар.
22.35 «Гулшан диёрим».
23.05 «Мафтункор табиат».
23.25 «Юлдузлар жилоси».
23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

ПАЙШАНБА, 29

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 Олтин мерос. «Ўлмас хазина».
9.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Нурли манзил».
9.25 «Томошабин мактублари».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Фан — тараққиёт пойдевори».
10.15 «Инсон ва замин». Тележурнал.
10.45 «Чинор остидаги дуэль». Бадиий фильм.
11.50 «Мен ва дунё». Публицистик кўрсатув.
12.20 «Домла» видеофильми ижодкорлари билан учрашув.
12.50 «Маърифат» видеоканали.
14.00 — 14.05 Янгиликлар.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Мониг бутун бўлсин, элим». «Ўзбектелефильм» премьераси.
18.30 «Аввал иқтисод..».
18.45 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.05 Дилнавоз садолар.
19.20 «Омонлик тилаймиз!».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Юзма-юз». Мулокот.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида.
21.45 Буюк келажак сари. «Озодлик». Видеофильм премьераси. 4-серия.
22.15 «Мутойиба». Пайшанба ҳазиллари.
22.30 «Ўзбекистон — Ватаним манним!».
22.35 «Одобнома».
22.45 Дилнавоз садолар.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.10 — 00.20 «Ватан тимсоллари».
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Тропиканка сири». Телесериал.

(Давоми 4-бетда)

Нодира РАШИДОВА

УСМОН НОСИР ОВОЗИ

Элим, мени эслаб йиғлама,
Шод руҳимни энди тиғлама.
Сен умримга ҳавас қил.
Ахир
Мени танлаб, сийлаган
тақдир
ҳаммага ҳам насиб этмади,
ҳамманинг ҳам қўлин
тутмади.
Мен ҳақиқат учун бердим жон,
хоин бўлиб ахтармадим шон.

Дема «кетди армонда Усмон»,
дема «ёнди, кул бўлди Чўлпон»,
дема асло «Қодирийнинг ҳам
юрагида кетди чўғ, алам...»

Ахир дерлар «ҳар битта
бошга
Бу дунёда бордир бир ўлим.»
Айлантирди палақмон тошга
бизни
элни хор этган зулм.

Жон тикмоқлик озодлик учун
ҳар замонда бўлган саодат.
Буни билар қари чол — Очун,
яхши билар,
бу — кўҳна одат...
Мустақиллик эди орзуйим,
Юртим бахти эди ҳур ўйим.
Келажакда эди умидим,
Бугун энди ниятга етдим.

Мустақиллик пойдеворига
мен ҳам қўйган битта
ғиштим бор.
Истиқлолнинг эрк шиорига
мен ҳам қўшган бир
улушим бор.

Қисматимдан розиман,
аммо
белим букиб қўймоқда
ҳамон
эзгуликни қилиб зор, яғмо
хоин думин тутган оломон.

Қўй, йиғлама, мен учун,
элим,
Ахир мендек бахтли инсон
йўқ.
Феълинг каби кенг эди
феълим,
Дийдам эди дийданг каби
тўқ.



Арзир эди йиғласанг,
агар
мени биров хоин деганда.
Арзир эди йиғласанг,
Агар
номим юртда бўлганда
канда.

Мени ёдлаб йиғлама, элим,
Мен тирикман юрт
байроғида.
Гулдан битган хайкалим
балқиб
Турар озод Ватан боғида...

СИНОВ

Аста сайр этардим умр боғида,
Ногоҳ барг узилиб кафтимга қўнди.
Билмадим, сарғайиб кимнинг доғида
Кимнинг фироқида, дардида сўнди.

Ёки у кимнингдир ҳаётимиди,
Ё эзгу хаёли ё яхши ният.
Ноҳақ унутилган бирон отмиди,
Ё янчиб, топталган пок самимият...

Узоқ тутдим уни иссиқ кафтимда,
Шашқатор ёшимнинг сувида ювдим.
Малҳам топармикан юрак тафтидан —
Деб, босиб сийнамга, ёндим, куйиндим.

Бирдан эсган шамол дув этиб келиб,
Юлиб олиб кетди уни қўлимдан.
Кетидан югурдим шамолдек елиб,
Қоқилиб адашдим баъзан йўлимдан.

Барглар эса ҳамон узилаверди,
Қўйним тўлди, қотди кўзимда ёшим.
Атрофимда барглар тизилаверди,
Билсам, боғ синабди менинг бардошим...

***

Ё раб, ўзинг танамга кўнгил жо қилдинг,
Яна ўзинг хаёлларим бежо қилдинг.
Энди қувончу шодликни маън этма, чун —
Кўнглимнинг барча хоҳишин бажо қилдинг...

БИР ХАТ ИЗИДАН

«ТИНГЛАГАНИМ — МУНОЖОТ БЎЛДИ...»

Бу дунёда ҳамма нарса ўткинчи: қувонч ҳам, ташвиш ҳам, бахт ҳам, дард ҳам. Уларнинг ҳаммаси «сеҳрли қалпоқча» кийиб изимиздан юрган шарпага ўхшайди. Агар биз жиндек ҳушёр тортсак, бир зумда ғойиб бўлиши ҳам ҳеч гапмас.

Аслида ҳаётнинг турган-битгани синовлардан иборат. Кимнидир ота-онасидан ёки фарзандидан бевақт жудо қилади, кимнидир оғирроқ дардга чалинтиради. Бировни муҳаббат ва айрилиқ гирдобига итарса, бировни дўст-ёрдан, қариндош-уруғдан қисади. Бу ҳолатларнинг ҳаммасини ҳаёт синовлари деб қабул қилолган кишигина ёруғ кунларга, ёруғ хаёлларга етишиши мумкин. Негаки, инсон борки, эртами-кечми — тириклик қаршисида имтиҳон топширишга маҳкумдир.

Яқинда Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги Найман фуқаролар йиғини раиси Абдуқаҳҳор ака Ҳамроқуловдан таҳририятимизга хат келди. У ўз мактубида «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигида яшовчи 35 ёшли ногирон шоира қиз Бахтиёрхон Бойбуваева ҳақида ёзиб, унинг машқларидан намуналар йўллабди. Хат билан ҳаяжонланиб танишдик. Бу дунёда изтиробнинг, ғам-ғуссанинг тури кўп экан. Маълум бўлдики, Бахтиёрхон салкам 30 йилдан буён ўз орзуларини жиловлаб бир ҳовлида, бир хонада — онаизорининг паноҳида яшаркан. Тенгқурлари қаторида мактабда ўқиш бахти унга бир йилгина насиб этган. Кейин эса рўй берган машъум воқеа туфайли...

Ҳузуримда йиғлама,
эй дўст,
Юлдузларга унсиз
тикилдим.
Менга озор тилама,
эй дуст,
Озорлардан тўйдим,
тўкилдим.

Бахтиёрхоннинг машқлари пишиққина экан:

Бургут етмас қояга
етай,
Оқ булутлар пойимда
бўлсин.
Юлдузлардан гулдаста
терай,
Қуёш тафти қалбимга
тўлсин.

Хуллас, **«Кўк юзида чақин чақнайди. Ўша менинг ёнган юрагим»** деб ёзолган иродали инсон билан учрашиш, суҳбатлашиш ниятида шу хонадонга ташриф буюрдик. У бизни қаттиқ ҳаяжон ва хурсандчилик билан кутиб олди. Ҳазилмутойибани яхши кўраркан, кулиб-кулиб суҳбатлашдик!

— Исмимни бекорга Бахтиёр қўйишмаган экан. Ҳалиям боламан. Туғилганимдан бери мени кўтариб юришади. 35 ёшга кирсам ҳам онамнинг қўлидан тушмайман.

Бахтиёрхон ўзи ҳақида қисқагина гапирди. У нолишни, йиғлашни ёмон кўраркан.

— Бир нарсага шукур қиламан. Яхшиям алифбени, ўқиш-ёзишни ўрганишга улгурган эканман. Алифбени билмаганимда мен бу зиндонда, бу ҳолатда шунча йил ётолмасдим.



Суҳбатимиз ўз-ўзидан китобларга, шеъриятга боғланиб кетди.

— Асосий ишим — китоб ўқиш. Кўнглини оғритиб қўйишдан қўрқиб онам билан камроқ гаплашишга ҳаракат қиламан. Уйдаги сингилларим Рўзихон ва Дилафрўзлар эшитишмайди. Дардларимни имо-ишора билан тушунтиришга қийналаман. Бизнинг ғуссаларимизни ичига ютиб-ютиб Дилором синглим ҳам руҳий хасталикка чалиниб қолди. У ҳозир касалхонада. Орамизда энг ақлли, энг чиройли, энг соғломи ҳам ўша бечора эди... Шунинг учун ҳозир куним фақат китобга қолган. Бальзак, Драйзер, Жек Лондонларнинг асарларини ўқисам маза қиламан. Айниқса, қийналган пайтларимда «Мартин Иден»ни қайта-қайта ўқийман. Машрабнинг, Лермонтовнинг шеърларини ўқисам кўнглим ёзилади. Яқинда ҳокимимиз Тошкентдан «Маҳобхорат»ни олиб келиб берди. Ҳозир ўшани ўқияпман. Эътиқод масаласида ҳиндлардан ўрганадиган томонларимиз кўп, шекилли...

Бахтиёрхоннинг хонаси ихчамгина. Атрофида телефон, кераклн дори-дармон, қоғоз-қалам ва китоблардан бўлак ҳеч нарса йўқ. У Пушкинни ҳам, Толстойни ҳам, Лермонтовни ҳам оригиналда — рус тилида мутолаа қиларкан. «Агар луғатлар бўлганда инглиз тилини ҳам ўрганардим!» — дейди Бахтиёрхон.

Эртасига бу хонадонга Булоқбоши тумани ҳокими Абдумутолиб Жалилов, туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси Муборакхон Холмирзаевалар билан бирга келдик. Булоқбоши ипакчилик фабрикаси маъмурияти Бахтиёрхон Бойбуваева учун совға қилган юмшоқ диванни кўриб Янғилхон ая кўзларига ёш олиб дуо қилди. «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалиги раиси Усмонжон ака ҳам қуруқ келгани йўқ. Меҳр ва мурувватга ташна бу оила учун 200 кило буғдой инъом этди.

Яхшилик — яхши-да! Ҳоким билан Бахтиёрхон ўртасидаги самимий муносабатни кўриб, ҳазил-мутойиба гапларни эшитиб тўлқинланмасликнинг иложи йўқ. Абдумутолиб ака шоиранинг айрим сатрларини ёддан биларкан, энг ноёб китобларни туҳфа қилиб тураркан. Найман қишлоғи фуқаролари йиғини раиси Абдуқаҳҳор ака Ҳамроқулов эса Бахтиёрхонга ўз жигаридек бўлиб қолган. У ҳар бир ёзган янги машқини Абдуқаҳҳор акага телефон орқали ўқиб беради ва фикрини сўрайди. Булоқбоши тумани телефон алоқалари коммуникацияси бошлиғи Озодбек ака Жўраев ҳам Бахтиёрхон Бойбуваева ҳақида эшитгач, шоиранинг шаҳарлараро (газета ва журналлар таҳририятларига) қўнғироқ қилиб туриши учун бепул хизмат кўрсатишга ваъда берди.

Қайтаётганимизда Бахтиёрхон: «Андижонга келганингизда энди бизникига кирмай кетсангиз хафа бўламан» деб қолди. Дарҳақиқат, бу қайсар дунёнинг инжиқликларига бас келиб, армонларини, орзуларини енгиб, жиловлаб яшаётган иродали қизни бир бор йўқлаб, ҳамсуҳбат бўлиб, бизнинг ҳам кўнглимиз равшан тортди. Ишончимиз комилки, бундан сўнг ҳам тумандаги барча адабиёт ва шеърият ихлосмандлари, ҳамқишлоқлари, она тили ва адабиёти ўқитувчилари, ўқувчи ука-сингилларимиз бу хонадоннинг ҳолидан тез-тез хабар олиб турадилар.

Булоқбошини хизр назар қилган юрт дейишади. Шунинг учун ҳам бу масканда Карим ҳожи Носиров, Абдужалол Собиров, Гулсарахон Имонбоевадек тадбиркор ва сахий одамлар, Азим қассоб сингари ҳотамтой инсонлар жуда кўп. Шак-шубҳа йўққи, бизнинг Бахтиёрхонимиз одамлар ардоғида, яхшилар паноҳида яна узоқ йиллар ўксинмай ижод қилади, онасига ва сингилларига ҳамдард бўлиб яшайди.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

(Давоми. Боши 3-бетда)

19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Автосалон».
20.15 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Мак ва Матли». Қизиқарли кўрсатув.
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05 «Кинонигоҳ».
23.45 — 00.10 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Тошкент. Янги шаҳар». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00 «Телетонг».

* * *

18.10—20.35

*

20.35 «Шоҳсупа сари йўл».

*

Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25—22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Менинг маҳаллам».
19.30 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.00 Эълонлар.
20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.55 «02» тўлқинида.
21.10 «Сеҳр».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Экалот-коктейль».
22.05 «Компьютер-ревю».
22.30 «Шукрона».
22.35 «Туманлардан ҳоли Британия».
22.55 Эълонлар.
23.00 «Кобра». Телесериал.
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

ЖУМА, 30

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Кекса санъаткорлар концерти.
8.55 «Юзма-юз». Мулоқот.
9.15 «Улар истиқлол дедилар». Адабий кўрсатув.
9.35 «Бир дунё болаларимиз».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Аёл борки, олам мунаввар...». Публицистик кўрсатув.
10.35 Футбол майдонларида.
11.05 Т. Низом. «Учар юлдуз». Видеофильм.
12.00 «Сирли сандиқ». Телевизион ўйин.
12.40 «Истиқлол фарзандлари».
13.05 Менга сўз беринг. «Замонамиз қаҳрамонлари».
14.00 — 14.05 Янгиликлар.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Митти юлдузлар.
18.25 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Аскарлар қуйлаганда». «Ўзбектелефильм» премьераси.
18.35 «Синфдош».
18.55 Мутолаа.
19.05 Бизнес ҳафта якунлари.
19.15 Мустақиллик одимлари.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Эртага — шанба». Махсус сони.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясида.
21.45 Буюк келажак сари. «Озодлик». Видеофильм премьераси. 5-серия.
22.15 «Репортаж».
22.30 «Ўзбекистон — Ватаним маним!».
22.45 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 7-кўй.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Ривоят».
00.05 Мафтункор чеҳралар.
00.30 Мустақиллик одимлари.
00.40 «Ҳуш келибсиз!».
01.10 «Байрам арафасида». Концерт.
01.40 — 01.50 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар. ТВ-2.
18.15 «Мультфейерверк».
18.35 «Камертон».
18.45 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Уфқлар оша». Видеофильм премьераси. 1-қисм. «Муқаддима».
19.05 «Бизнес-уик». Байрам сони.
19.25 Эълонлар. ТВ-2.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар. ТВ-2.
19.55 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Уфқлар оша». Видеофильм премьераси. 2-қисм. «Йўл оғир эди».
20.25 Эълонлар. ТВ-2.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар. ТВ-2.
21.00 «Камертон».
21.05 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Уфқлар оша». Видеофильм премьераси. 3-қисм. «Жўрият».
21.30 Мусиқа ва Эълонлар.
22.10 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
23.00 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Музей». Телефильм.

*

Россия жамоат телевидениеси
6.30—8.00 «Телетонг».

***

18.15—20.35

***

20.35 «Мусиқа барча ёшдагилар учун».

*

Россия давлат телевидениеси
21.00—21.30

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25—22.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Халқ саломатлиги йўлида».
19.30 «Учқун».
20.00 Эълонлар.
20.05 «Билиб қўйган яхши».
20.30 «Утмишсиз келажак йўқ». Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига.
21.00 «Шаҳрим — фахрим». Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига.
21.30 Эълонлар.
21.35 «Шукрона».
21.40 «Коинот».
22.10 «Бу бўстон аро...». Махсус сони.
22.40 Эълонлар.
22.45 «Америкага бир назар».
23.15 Араб эстрадаси.
23.45 — 23.55 «Хайрли тун!».

ШАНБА, 31

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш дастури.
8.00 «Ахборот».

*

8.25 «Қўш юрти».
8.30 «Асрга татигулик кун». 1991 йил. 31 август.
8.40 «Ўзбекистон — Ватаним маним!». Республика қўшиқ кўрик-танлови голибларининг концерти.
10.00 Янгиликлар.
10.10 «Қўш юрти».
10.15 «Масофага дахлсиз алоқалар». Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов БМТ сессиясида. Видеофильм.
11.00 «Ширу-шакар» ансамбли. Болалар учун концерт.
11.30 «Мангуликка туташ онлар». 1992 йил. 31 август.
11.55 «Қўш юрти».
12.00 Янгиликлар.
12.10 «Масхарабоз». Бадиий фильм.
13.30 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Ўзбекистон. Бешинчи довон». «Ўзбектелефильм» премьераси.
14.00 Янгиликлар.
14.10 «Қўш юрти».
14.15 «Мангуликка туташ онлар». 1993 йил. 31 август.
14.40 «Сиз севган қўшиқ».
15.00 «Умид чечаклари».
15.25 «Мустақиллик солномаси».
15.40 Фольклор-этнографик жамоаларининг «Зилол» телевизион фестивали.
16.10 «Қуёш юрти».
16.15 «Ватанни севмоқ иймондандур».
16.45 «Мангуликка туташ онлар». 1994 йил. 31 август.
17.10 «Совға». Болалар учун.
17.30 «Мангуликка туташ онлар». 1995 йил. 31 август.
17.55 «Қуёш юрти».
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Мустақиллик солномаси».
18.25 «Қуёш юрти».
18.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.00 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 5 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛАР. МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАН ОЛИБ КЎРСАТИЛАДИ.
21.00 «Ахборот».
21.30 «Кўнгил».
21.50 «Сурур».
22.05 «Теннис-клуб».

*

22.25 «Ҳайрат».
22.40 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 5 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛАР. МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАН ОЛИБ КЎРСАТИЛАДИ (такрор.).
00.40 «Эл азиз».
00.45 «Тунги ёғду». Дам олиш дастури.
1. «Тўйлар муборак». Киноконцерт.
2. «Гуноҳ 2». Бадиий фильм. Премьера.

II

6.30 дан ЎзТВ I дастури такрорланади.

III

9.00 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
9.05 «Сеҳрли қалам». Болалар учун спектакль.
9.45 «Бувимни қайтаринг». Бадиий фильм.
10.55 Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига. «Иқтисодий ислоҳот йўлидан».
11.10—11.35 Дилафрўз Жабборова рақсга тушади.

***

17.45 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
17.55 — 20.35

*

20.35 Эълонлар.
20.40 «Ўзбекистон — умумий уйимиз».
21.10 «Мусиқа барча ёшдагилар учун».
21.40 «Буюк Амир Темур васияти». Телефильм.

*

Россия давлат телевидениеси
22.00—00.40

*

00.40—00.55 «Ер қалбига қулоқ тут». Телефильм.

IV

«ЧИНОР» ВИДЕОКАНАЛИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 5 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ДАСТУРИ:

10.00 «Дидар».
10.30 «Айчурек».
11.00 «Рангинкамон».
11.30 «Безнен мирас».
12.00 «Среша». Болгар маданият маркази.
12.30 Болалар учун фильм. «Энг кичик гном».

***

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 — 21.00 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 5 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛАР. МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИДАН ОЛИБ КЎРСАТИЛАДИ.
21.00 «Шанба оқшомида».
21.10 «Олам ва одам».
21.50 Эълонлар.
21.55 «Шукрона».
22.00 «Адабий театр».
22.10 «Спорт-дайжест».
22.40 «Шукрона».
22.45 «Эсдалик учун дастхат». Байрам сони.
23.10 — 23.20 «Хайрли тун!».

ЯКШАНБА, 1

I

«Ўзбекистон — Ватаним маним!». Ўзбекистон телевидениеси 1 сентябрь куни соат 6.30 дан мамлакат Мустақиллигининг 5 йиллигига бағишланган байрам дастурларини томоша қилишга таклиф этади.

II

6.30 дан ЎзТВ I дастури такрорланади.

III

10.00 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
10.05 «Сеҳрли най». Болалар учун фильм-концерт.
10.30 «Ёр-ёр». Бадиий фильм.
11.40 — 12.10 Телетомошабинларнинг талабларига биноан концерт.

***

17.10 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.

*

Россия жамоат телевидениеси
17.20—21.20

*

21.20 Ўзбекистон спортчилари Атлантадаги XXVI Олимпиада ўйинларида.

Россия давлат телевидениеси
21.55—23.10

*

23.10 — 23.40 «Панорама».

IV

9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
9.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
9.40 «Шукрона». Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига.
9.45 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
10.15 «Учувчи шифокорлар». Телесериал.
11.00 Халқлар Дўстлиги майдонидан репортаж.
11.20 «Дипкурьер».
11.25 «Парле ву франсэ?»
11.55 Эълонлар.
12.00 Халқлар Дўстлиги майдонидан репортаж.
12.20 «Шукрона». Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига.
12.25 «Жонли сайёра». Ўзбекистон қуриқоналари.
12.45 «Дипкурьер».
12.50 «Чироқ». Шеърий саҳифа.
13.00 Халқлар Дўстлиги майдонидан репортаж.
13.20 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
14.50 «Оқ соя». Махсус сони.
15.20 Эълонлар.
15.25 «Дунё эшиги».
15.55 Киносалон. «Водиллик келин». Бадиий фильм.
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

19.00 «Телеташриф».
19.10 «Томоша» табриги.
19.40 «Чироқ». Шеърий саҳифа.
19.50 Эълонлар.
19.55 «Шукрона». Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига.
20.00 «ТВ IVда етти кун».
20.20 «Хонадонингизда осойишталик бўлсин!». Махсус сони.
20.50 «Дипкурьер».
20.55 Киносалон. «Интеграл». Бадиий фильм.
22.15 «Иштирок этувчилар». Махсус сони.
22.45 «Олимпиада: дадил қадамларимиз». Видеофильм премьераси.
23.15 «Дипкурьер».
23.20 «Шукрона». Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 5 йиллигига.
23.25 Халқлар Дўстлиги майдонидан репортаж.
00.05 — 00.15 «Хайрли тун!».

Бош муҳаррир Азим СУЮН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55,
факс — 33-79-14.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 5-27-11;
Бухорода — 3-54-87;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-75-43;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000. ТОШКЕНТ. МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ. 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир М. АҲМАД, навбатчи Э. ЭСИРГАДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0427

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 2:300.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

«Ўзбекистон савдо уйи»нинг Бухородаги 36-филиали **ТУГАТИЛАДИ.**
Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

«Чилонзор» савдо ишлаб-чиқариш акционерлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшмаси мазкур ташкилотнинг собиқ ходими, устоз-мураббий **Муроджон ТОЛИПОВИЧ РАЖАБОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндошларига чуқур таъзия билдиради.

«Чилонзор» савдо ишлаб-чиқариш акционерлик жамияти маъмурияти ва касаба уюшмаси масъулияти чекланган «МУРОДИМ» фирмасининг раҳбари Мирсобит Ражабовга отаси **МУРОДЖОН отанинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Мирзо Улуғбек тумани тиббий ҳудудий бирлашмасига қарашли сил касалликлар шифохона-сиҳатгоҳ даволаш бирлашмаси жамоаси шифокор **ЕПИФАНОВА Валентина Ивановнанинг** вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.